

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳақида
УДК: 336.1**

(37)

ХУШВАҚТОВ ФАРРУХ РОМАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИ ВА УЛАРНИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИГА
ТАЪСИРИ**

Мутахассислик: 5A230601-“Давлат молиясини бошқариш”

Магист академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: доц. Баймуратов Т.

ТОШКЕНТ-2015

Мундарижа:

Кириш.....	3-6
I-БОБ. Лизинг муносабатларининг мазмун-моҳияти ва ташкилий- ҳуқуқий асослари.....	7-33
1.1 Лизингнинг мазмун-моҳияти ва зарурияти.....	7-11
1.2 Лизингнинг объектлари ва субъектлари турлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	11-19
1.3 Ўзбекистон Республикаси лизингнинг муносабатларининг иқтисодий ҳуқуқий асослари.....	19-31
I боб бўйича хулоса.....	31-33
II БОБ. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги соҳасида лизинг операциялари ва инвестицион фаолияти ҳозирги ҳолатининг таҳлили.....	34-63
2.1 Ўзбекистонда лизинг бозорининг амалдаги ҳолати динамикаси.....	34-45
2.2 Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олиш учун ажратилаётган лизинг кредитлари.....	45-54
2.3 «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси қишлоқ хўжалиги асосий воситаларини модернизациялашдаги ўрни...	54-60
II боб бўйича хулоса.....	60-63
III-БОБ. Ўзбекистон Республикаси лизинг муносабатларини ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда халқаро лизинг тажрибасини ўрганишнинг аҳамияти	64-82
3.1 Ўзбекистонда лизинг муносабатларини такомиллаштиришда хориж тажрибасини ўрганишнинг аҳамияти.....	64-73
3.2 Ўзбекистон Республикасида лизинг муносабатларини такомиллаштириш ва ривожлантириш йўллари	73-81
III боб бўйича хулоса.....	81-82
Хулоса ва таклифлар.....	83-86
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	87-92

Кириш

Тадқиқот мавзуининг долзарблиги. Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат иқтисодиётида чуқур ўзгаришларга эришиш, лизинг муносабатлари ва унинг қишлоқ хўжалик инвестицион фаолиятига таъсирини ўрганиш, иқтисодиёт соҳаларида тадбиркорликни ривожлантириш ва уларни янги механизмлар орқали чекланган молиявий ресурслардан иложи борица кўпроқ самара олиб фойдаланишга ҳаракат қилинади. Шунингдек, иқтисодиётни янада ривожлантириш ҳар қандай мамлакатда инвестицион жараёнларни кенгайтиришдан бошланади.

Лизинг муносабатлари қишлоқ хўжалик инвестицияларни молиялашда ўзига хос ўрни мавжуд экан, унинг фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш учун алоҳида йўналишларни ишлаб чиқиш зарур. Ўзбекистонда лизингга бўлган талабнинг ўсиб бориши мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир этади. Шу билан биргаликда, ҳозирги кунда корхоналар ва қишлоқ хўжаликларда янги техника ва технологияларга талаб ошиб бориши ҳамда бу талабнинг молиявий таъминоти лизинг орқали амалга оширилишида хорижий компаниялар ҳам ўз товар ва хизматларини таклиф қилмоқдалар.

Бу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов куйидагиларни таъкидлаб ўтганлар: - «Бугунги кунда лизинг хизматида алоҳида эҳтиёж сезилмоқда. Хусусан, кичик корхоналар, хусусий тадбиркорлар, фермер хўжаликлари айнан лизинг орқали замонавий ихчам технологияларга эга бўлиши мумкин. Бугун биз учун ғоят зарур бўлган инвестиция оқими кучайишига, қишлоқ хўжалик техникасини, транспорт ва самолётлар паркини янгилашда лизинг амалий восита бўлиб хизмат қилиши зарур¹».

Хўжалик юритувчи субъектларда мавжуд асосий фондларни доимий равишда янгилаш, жаҳон андозаларига мос равишда янги техника-

¹ Каримов И.А. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз». Тошкент.:«Ўзбекистон» 2000 йил, 399 бет.

технологияларни жорий этиш ҳамда жаҳон бозорларига экспорт қилиш, эркин рақобатга чидамли товар ва хизматлар ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун янги техника ва технологиялар учун молиявий манбаларни излаб топишда лизинг инфратузилмасини ривожлантириш талаб этилади ва бу орқали мамлакатимизга чет эл инвестицияларни кириб келишига замин яратади. Иқтисодий техника-иқтисодий модернизациялаш, саноат ва қишлоқ хўжаликнинг устивор тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш, ташқи ва ички бозорлардаги талабларга жавоб берадиган рақобатбардош товарларни кўпайтириш ва янгиларини яратиш ҳисобга амалга оширилишини тақозо этади.

Диссертация ишининг мақсади ва вазифаси. Мавзу устида ишлаш жараёнида ўзбек ва чет эл мутахассисларининг лизинг амалиёти бўйича ишлари ўрганилди. Ушбу ишлар ёрдамида мамлакатимизда лизинг ривожланиши ҳолатини мақсадли ўрганишни имкон бўлади. Магистрлик диссертациясини тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорларидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан ҳамда лизинг масалаларига доир амалдаги низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилди.

Тадқиқот ишининг мақсади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида техникаларни лизингга бериш жараёнларини тадқиқ этиш, унинг ютуқ ва камчиликларини аниқлаш ва мазкур жараёнларни бошқариш самарадорлигини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқот ишининг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади. Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар бажарилиши белгиланган:

- лизинг, унинг мазмуни, зарурияти ва ташкилий асосларини ўрганиш;

- лизинг операцияларининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;
- Ўзбекистон Республикасида лизинг муносабатларининг ҳуқуқий асосларини ёритиш;
- қишлоқ хўжалигида асосий воситаларни модернизациялашда лизингдан фойдаланиш амалиётини таҳлил этиш;
- Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги соҳасида лизинг операциялари ва инвестицион фаолияти ҳозирги ҳолатини таҳлил этиш;
- Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олиш учун ажратилаётган лизинг кредитларини таҳлил этиш;
- “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасида техникаларни лизингга бериш амалиётининг таҳлилин аналга ошириш;
- қишлоқ хўжалиги соҳасида техникаларни лизингга бериш жараёнидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Тадқиқот ишининг объекти. “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК томонидан техникаларни лизингга бериш жараёнлари изланиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Қишлоқ хўжалиги соҳасида техникаларни лизингга бериш жараёнларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва иқтисодий-молиявий муносабалар тадқиқот ишининг предмети сифатида майдонга чиқади.

Тадқиқот объекти ва предмети тадқиқ этишда “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК ҳамда Тижорат банклари мисолида мавзу таҳлили аналга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Қишлоқ хўжалиги соҳасида техникаларни лизингга бериш жараёнлари комплекс тадқиқ этилганлиги ва мазкур жараёнларни бошқариш самарадорлигини ошириш юзасидан

таклифлар тизими ишлаб чиқилганлиги тадқиқот ишининг асосий илмий янгилиги бўлиб ҳисобланади. Ишнинг илмий янгилиги янада аниқроқ тарзда қуйидагиларда намоён бўлади:

- лизинг операцияларининг турлари ўрганилди ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди;
- Ўзбекистон Республикасида лизинг муносабатларининг ҳуқуқий асослари ўрганилди, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимли тарзда, ўзаро боғлиқликда ёритилди;
- Қишлоқ хўжалигида техникаларни лизингга бериш амалиёти таҳлил этилди;
- Қишлоқ хўжалиги соҳасида техникаларни лизингга бериш жараёнидаги мавжуд муаммоларни аниқланди ва уларни ҳал қилиш юзасидан таклифлар тизими ишлаб чиқилди;
- Ўзбекистонда лизинг муносабатларини ривожлантириш ва такомиллашида хориж тажрибасини ўрганилди.
- Ўзбекистонда лизинг хизматларини ривожлантириш истиқболлари ўрганилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тадқиқотда шакллантирилган илмий ва амалий хусусиятдаги мулоҳазалар, таклиф ҳамда тавсиялар тижорат банклари ва лизинг компаниялар томонидан лизингга тегишли йўриқнома, махсус кўрсатмалар ишлаб чиқиш ва амалиётда фойдаланиш учун услубий, илмий манба сифатида қўлланиши мумкин.

Тузилмавий режасига кўра диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат.

I-БОБ. Лизинг муносабатларининг мазмун-моҳияти ва ташкилий-хукукий асослари

1.1 Лизингнинг мазмун-моҳияти ва зарурияти

Бозор иктисодиёти ривожланган мамлакатларда лизинг маҳсулоти ишлаб чиқувчилар ва истеъмол қилувчилар шунингдек, молиявий воситачилар, бизнеснинг шу тури билан шуғулланувчилар учун бир катор муҳим масалани ҳал этувчи бизнеснинг алоҳида тури сифатида қаралади. Ўзбекистон учун тадбиркорлик фаолиятини молиялашнинг янги усулини кенг қўллаш учун, шунингдек, чет эл лизинг тажрибасидан тўғри фойдаланиш учун, бизнинг назаримизда лизинг муносабатлар иктисодий табиати ва моҳиятини чуқур англаш лозим бўлади.

Шу сабабли мустақилликнинг дастлабки йиллариданок мамлакатимиз раҳбари И.Каримов ўз чиқишларида бозор муносабатларининг асосини ташкил этадиган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва бозор инфратузилмасининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратди.

Лизинг бозор инфратузилмасининг ажралмас қисми бўлиб, у мамлакатимиз учун нисбатан янги молиявий дастак ҳисобланади. Шу боис, бу хусусда бир қанча қарор ва қонунлар қабул қилинди. Демак, лизинг бу ривожланаётган мамлакатлар учун дастак ва ривожланган мамлакатлар учун эса қуролдир. Иктисодий адабиётларда бир катор мамлакатимиз ва хорижлик иктисодчи олимлар томонидан лизинг тоифасига етарлича таъриф берилган. Ривожланган давлатларда лизинг амалиёти оқилона ташкил қилиниб у узоқ йиллик тажрибага эга. Ҳозирги кунга қадар лизинг тушунчасининг мазмунига берилган турлича таърифлар мавжуддир. Умуман олганда энг биринчи, лизинг моҳиятини акс эттирувчи иктисодий қарашлар ҳаттоки Аристотелнинг “Риторика” асарида ҳам келтирилган бўлиб, унда ижара ёрдамида олинадиган иктисодий самарадорлик тўғрисида фикрлар келтирилган. Қадимги Римда ҳарбий техникани ижарага олиш ҳукуқидан келадиган даромадлар тўғрисида маълумотлар

сақланиб қолган. Тарихчиларнинг маълумотига кўра, лизинг келишувлари ҳақида биринчи бор 1066-йиллардаги тарихий асарларда маълумотлар келтирилган. Унга кўра, Вилгелем Британия ороллари эгаллаш учун Нормандияликлардан кемаларни лизингга олган.

Лизингнинг асосий маъноси «ижарага бериш» бўлиб, лизинг муносабатлари ҳамма учун фойдалидир. Қискача қилиб айтганда эса, лизинг бу инвестициянинг ноанъанавий бир тури бўлиб, у сотувчи, ижара берувчи ва ижарага олувчи ўртасидаги муносабатдан ташкил топади.

«Лизинг» сўзи инглизча бўлиб, «lease» феълидан келиб чиққан ва тахминан, «мулкни ижарага бериш» ёки «мулкни ижарага олиш» маънолари ифодасини билдиради. Баъзи манбаларда таъкидланишича, машина, жиҳоз, транспорт воситалари ва бошқа ишлаб чиқаришга талукли ҳаракатланувчи мулкни узоқ муддатли ижарага олишдир.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.Вахобов ўзининг илмий изланишларида кичик бизнес субъектлари фаолиятини давлат томонидан молиявий қўллаб - қувватлаш ва тижорат банклари томонидан сармоявий кредитлашни такомиллаштириш масалаларининг таҳлилида лизингни моҳиятини тадқиқ қилган.²

Лизингнинг бу даражада кенг ёйилиши ва унинг бозор иқтисодиёти тузилмасидаги ўрнини изоҳлаш учун қуйидаги асосий шарт-шароитларни такидлаб ўтиш лозим: лизинг - молиялаштиришнинг ғоятда қадимий шакли бўлиб, ўз тараққиёти давомида бир неча босқичларни босиб ўтган ва шу йўл билан ўзининг аҳамиятини, хўжалик юритишнинг турли бозор тизимларига мослаша олишини исботлаган.

Бизнинг фикримизча, лизинг бизнесининг асосий босқичлари ва уларнинг иқтисодий шарт-шароитларини қуйидагича тасвирлаш мумкин

² Вахобов А., «Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти». -Тошкент.: «Фан ва технология», 2006.

Лизинг хизматларининг эволютсия босқичлари³

Эволютсия босқичлари	Характерли хусусиятлари
I босқич 1877-1952-йиллар	• 1877-йил. Лизинг тизимининг пайдо бўлиши (“Белл” телефон компанияси); • 1952-йил. Дастлабки мустақил “United States Leasing Corporation” лизинг компаниясининг ташкил қилиниши; • Ушбу босқич кўп жиҳатдан лизингнинг ривожланиши ва фаолият кўрсатиши учун ташкилий асос бўлди.
II босқич 1952-1974-йиллар	• Лизинг инфратузилмасининг шаклланиши; • Солиқ имтиёзларининг кучга кириши ва тезкор амортизация услиининг қўлланиши; • Фан-техника тараққиёти таъсирида ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларин автоматлаштириш ва механизатсиялаштириш юз берди; • Ассортиментнинг кенггайиши ва маҳсулотларнинг табақалашуви; • Кичик ва ўрта фирмаларнинг ривожланиши.
III босқич 1974-йилдан ҳозирга даврга қадар	• АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида инқирозларни вужудга келиши; • Янги иехнологияларнинг пайдо бўлиши; • Маҳсулотни сотиш муаммоларининг кескинлашганлиги туфайли лизингнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши; • Лизинг ёрдамида молиялаштириш самарадорлигининг эътироф қилиниши.

³ Ғозибеков Д.Ғ, Собиров О.Ш, Мўминов А., Кулжанов О.М., “Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти”. –Тошкент : “Фан ва технология”, 2004.

I босқич 1877-1950-йилларни ўз ичига олади. Айнан шу даврда, австриялик тадқиқотчи В.Хоернинг фикрича, “лизинг” атамаси ҳозирги маънода муомалага кирди. 1877-йилда АҚШда товарларни фақат ижарага беришга асосланган шартномалар тизими - “лизинг” вужудга келди. “Белл” телефон компанияси телефон аппаратларини сотиш эмас, балки уларни ижарага беришга қарор қилди. В.Д.Газман таъкидлаб кўрсатганидек, бу қадар оддий операция фақат алоқанинг ривожланишига кучли таъсир этди, дейиш нотўғри бўлар эди. Ўзига хос молиявий хизматлар кўрсатишдан келадиган фойда янги техника ишлаб чиқарувчиларида катта қизиқиш уйғотди, улар асбоб-ускуналарни ижарага беришга юқори баҳо бердилар. Чунки, бу уларни оддий сотишдан фарқли равишда, “ноу-хау”дан фойдаланишга бўлган монополь ҳуқуқини ҳимоялашга имкон берар эди.

Биринчи мустақил лизинг компанияси бўлган “ United States Leasing Corporation ” 1952-йилда Сан-Франсиско шаҳрида рўйхатдан ўтказилди. Тезда ушбу воқеанинг давомчилари жуда кўпайиб кетди ва ижара муносабатларида ҳақиқий инқилоб тўлқинига сабаб бўлди. Бу ерда шуни ҳам қайд этиш зарурки, мазкур босқич кейинги даврларда кўп жиҳатдан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият кўрсатувчи лизинг корхоналарининг ривожланиши ва фаолияти учун ташкилий асос бўлди.

II босқич 1950-1974-йилларни ўз ичига олади. Бу давр лизинг инфратузилмасининг шаклланиши билан боғлиқ. Лизинг тадбиркорлиги динамикасининг асосий йўналиши унинг капитал қўйилмаларни молиялаштириш воситаси сифатида қўлланилишида намоён бўлди. Жаҳон бозор иқтисодиётида бу жараён қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади. Жумладан, АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида урушдан кейинги иқтисодий вазият билан боғлиқ бўлган:

Лизинг тадбиркорлигининг ривожланишидаги III босқич 1973-1974-йиллардаги иқтисодий инқироз даврида бошланиб, бу даврда 1980-1982-йиллардаги монополияларнинг лизинг бизнеси билан муносабатларини

қайта кўриб чиқиш жараёни жадаллашди ва лизинг ривожланиши фаолият соҳасининг кенгайиши билан боғлиқ бўлди.

Лизингни ўзида қарз (кредит), яъни опцион асосида замон ва маконда қайта тақсимланиш, олди-сотди, ижара, товар кредити ёки инвестициялаш муносабатларини бирлаштирувчи иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар мажмуи борлиги назарда тутилиб, унинг иқтисодий табиатини қарз (кредит) муносабати белгилайди. Лизингда айтилган муносабатлар негизида молия-кредит, яъни тақсимот ва қайта тақсимот муносабатлари, тадбиркорлик мақсадида кўчмас ва кўчар мулкдан самарали фойдаланиш ётади. Лекин моҳиятан лизинг ғоят мураккаб иқтисодий алоқаларни билдирадики, булар қарз (кредит) олиш, инвестициялаш, мулкни ишлатиш бундан олинган натижани субъектлар ўртасида тақсимлашдан иборатдир.

1.2 Лизингнинг объектлари ва субъектлари турлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари


Лизинг объектларини тўғри таърифлаш лизинг муносабатлари моҳиятини очиб беришда муҳим жиҳат ҳисобланади.

Чет эл ва мамлакатимизда нашр этилаётган адабиётларда таъкидланишича муайян вазиятга боғлиқ тарзда лизинг объекти бўлиб, ҳар қандай кўчмас ва кўчар мулк ҳисобланиши мумкин. Булар амалдаги таснифга кўра асосий воситалар бўлиши лозим, бозорда эркин муомалада бўлиши таъқиқланган мулклар бундан истисно. Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ лизинг объекти бўлиб, ҳар қандай фойдаланилмай турган мулк, шу жумладан, корхона, мулкый мажмуа, бино, иншоот, ускуна, транспорт воситаси ва бошқа тадбиркорликда фойдаланиш мумкин бўлган кўчмас ҳамда кўчар мулк лизинг объекти бўлиши мумкин. Шу билан бир вақтда, деярли барча, айниқса лизингдан фойдаланиш кенг тарқалган мамлакатлар қонунчилигида лизинг объекти бўлиш хусусида катор чекловлар мавжуд. Шу билан бирга мазкур қонунда алоҳида тартибда муомалада бўлиш талаб

этиладиган мулклар рўйхати келтирилмайди, бу ўз навбатида амалдаги конунчиликка тегишли ўзгартиш киритишни талаб этади. Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонунига мувофиқ лизинг объектининг таснифи содда тарзда қуйидаги кўринишга эга бўлиши мумкин.

(1.2.1-жадвал)

Лизинг объектлари умумий таснифи⁴



Лизинг объектини учинчи шахсга вақтинча фойдаланиш ва эгалик қилиш учун бериш, яъни сублизинг лизинг берувчининг ёзма розилиги асосида мумкин эканлиги Ўзбекистон Республикасида лизинг

⁴ Газибеков Д.Г., Собиров О.Ш. «Лизинг и его развитие в Узбекистане», - Т.: Молия, 2001.

субъектининг ва лизинг муносабатининг ўзига хос жиҳати ҳисобланади. Бунда лизинг олувчи лизинг берувчи олдида лизинг шартномаси бўйича масъул бўлиб қолади.

Шундай қилиб, ускуна сотиб олиш пайтида қандайдир асбобларга кўра лизинг имкониятлари тўғрисида билишни хоҳламаган, билишга имконияти бўлмаган ёки умуман билмаган компаниялар ускуна сотиб олингандан кейин унинг барча афзалликларидан (жумладан жадаллаштирилган амортизация, лизинг тўловларини таннархга ўтказиш ва бошқалардан) тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. Лизингнинг ушбу чизмаси кўпчилик ҳолатларда айнан молиявий ижара шартномаси учун назарда тутилган солиқ имтиёзларини олиш учун фойдаланилади.

Ускунани сотиб олиш ва уни лизингга олувчига сотиш баҳоси ўртасидаги фарқ одатда ижарага олувчига тўланмасдан, амортизация ҳисобга олинади ёхуд ижара тўловлари оркали мутаносиб равишда таксимланади. Агар битим тузиш пайтида ускунанинг бозор қиймати унинг амортизацияланмаган қолдақ қийматидан кам бўлган тақдирда, фарқ ижарага олувчининг балансида зарар каби акс эттирилади. Ишлатишда бўлган ускунадан янги қурилаётган объектларни молиялаштириш манбаи сифатида фойдаланиш қайтариладиган лизингнинг муҳим афзаллиги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Лизинг тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасига кўра лизинг муайян объектига нисбатан лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи ва лизинг олувчи, шунингдек, лизинг берувчи кредитори ва лизинг объектини лизингга олувчи айти бир шахс бўлишига йўл қуйилмайди.

Мураккаб лизинг операцияларида қарз берувчилар, лизинг берувчилар, етказиб берувчилар ва лизинг олувчилар томонида бир қатор юридик шахслар қатнашади, чунки лизинг контрактга турли воситачилар

(дистрибьюторлар, дилерлар, брокерлар, суғурта ва траст компаниялар ва бошқалар) жалб этилади.

Лизинг операциялари ва уларнинг турлари. Инвеститсия - инноватсия қуролининг барча шакллари қамраб олишга имкон берувчи лизинг турларини туркумлаш лизингнинг энг кенг ёритилган таърифини беради. Айнан шунинг учун лизинг моҳияти тўғрисида инвеститсия тури каби гапирилганда, қуйидаги белгилар билан тавсифланган, иқтисодий ва молиявий адабиётда келтирилган лизинг турлари тўлиқ туркумланишини келтириш жуда ҳам муҳим ҳисобланади:

- лизинг муносабатлари иштирокчиларининг таркиби;
- лизинга бериладиган мол - мулкнинг тури;
- унинг ўзини - ўзи оқлаш даражаси;
- амортизация шартлари;
- хизмат кўрсатиш хажми;
- лизинг муносабатлари бозорининг сектори;
- солиқ ва амортизация имтиёзларига нисбатан муносабати.

1) Лизинг муносабатлари иштирокчиларининг таркибидан (субъектлардан) келиб чиқиб қуйидагиларни фарқлайдилар:

Бевосита лизинг - анъанавий уч тарафлама битим (мол етказиб берувчи - лизинга берувчи - лизинга олувчи) ёки йирик мураккаб битимларда иштирокчилар сони учтадан кўп бўлган кўп тарафлама битим, бунда лизинг компанияси лизинг бўйича тижорат банки ёхуд бошқа молиявий - кредит институтлари ёхуд йирик лизинг битимларини молиялаштириш учун ўз капиталини бирлаштирган шунга ўхшаш лизинг компаниялари билан биргаликда чиқади.

“Қайтариладиган лизинг” лизинг битимларининг бир тури ҳисобланади. Моҳияти бўйича у икки тарафлама лизинг битимидир. Лизинг шартномаларининг бундай лизинга олувчи бир вақтнинг ўзида лизинга олинадиган мол - мулкнинг “етказиб берувчиси” бўлиб ҳисобланади, бошқача қилиб айтганда, ускунанинг эгаси уни лизинг

компаниясига сотади ва бир вақтнинг ўзида лизинга оловчи сифатида у билан ушбу ускуна бўйича лизинг шартномасини тузади. Битим қуйидаги кетма - кетликда амалга оширилади:

1 - ижарага берувчи ва ижарага оловчи ўртасида лизинг келишуви тузилади;

2 - лизинг фирмаси ижарага оловчи - ускуна эгасидан усқунани сотиб олади;

3 - ижарага олуви лизинг контрактининг шартларига мувофиқ мунтазам равишда ижара тўловларини амалга оширади.

Бундай битимнинг дастлабки мулкдор, кейинчалик эса усқунани лизинга оловчи афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- ускуна сотиб олиниб, ушбу усқунани сотиб олиш учун аҳамиятли маблағлар жалб қилиниши унинг молиявий аҳволи ёмонлашишига олиб келганлиги ёки олиб келиши мумкинлиги аён бўлгандан кейинги ҳолатларда у лизинг компаниясининг хизматларидан фойдаланиши мумкин;

- у лизинг компаниясидан усқунанинг тўлиқ қийматини олади, ушбу ускунага эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда уни сотиб олиш учун сарфланган маблағларни қайтаради;

- у ўзига керакли бўлган ускунага эга бўлган ва ундан фойдаланган ҳолда лизинг компанияси билан музоқараларни олиб бориши мумкин (ушбу музоқаралар айрим ҳолларда узоқ муддатли чўзилиши мумкин).

Ундан ташқари:

- ижара тўловлари корхонанинг соликка тортиладиган фойдасидан чегирилади ва жорий тезкор харажатлар каби ҳисобга олинади;

- ижарага оловчидан банк кредитини олишдан камрок қўшимча кафолатли таъминот тақдим этилиши талаб қилинади (акциялар, облигациялар, банк кафолати ёки кафолатларнинг қандайдир бошқа шакллари).

Ниҳоят, қайтариладиган лизинг кўпчилик ҳолатларда корхона молиявий ҳолатини яхшилаш учун самарали ва нисбатан арзон усул бўлиб ҳисобланади. Лизингнинг ушбу турида ижара тўловларининг миқдори асосан кредитнинг жорий қийматига ва амортизация чегирилган ижарага олинган ускунанинг қийматига боғлиқ бўлади.

Буюк Британиядаги лизинг компанияси ускуна (мулкчилик ҳуқуқи)ни сотиб олади ва уни америкалик лизинг компаниясига беради (егалик қилиш ҳуқуқи), у эса, ўз навбатида, уларни маҳаллий лизингга олувчиларга ўтказди.

1) Лизингга бериладиган мол - мулкнинг турига қараб қуйидагиларни фарқлайдилар:

- фаол бўлмаган (кўчмас) мол - мулк лизинги;
- фаол (кўчар) мол - мулк лизинги ёки машина - техникавий лизинг.

2) Мол - мулк ўзини ўзи қоплаш даражаси бўйича қуйидагилар ажратилади:

- тўлиқ ўзини ўзи қоплайдиган лизинг, бунда бир шартнома амал қилиш муддатида ижарага берилган мол - мулкнинг қиймати лизингга берувчига тўлиқ тўланади. Лизинг шартномаси тугагандан кейин лизингга олувчи ускунани қолдиқ ёки бошқа келишилган нархда сотиб олиш имконияти берилади;
- тўлиқ ўзини ўзи қоплайдиган лизинг, бунда бир шартнома амал қилиш муддатида ижарага берилган мол - мулкнинг фақат бир қисми қопланади, бундан кейин эса мол - мулк лизингга берувчига қайтарилади ёхуд лизинг шартномасининг муддати узайтирилади.

3) Амортизация шартларига қараб қуйидагиларни фарқлайди:

- тўлиқ амортизацияланадиган лизинг ва тегишли равишда, лизинг объектининг қиймати тўлиқ тўланадиган лизинг;
- тўлиқ амортизацияланмайдиган лизинг, бу - қиймати қисман тўланадиган лизинг.

Юқорида қайд этилган бир-бири билан узлуксиз боғлиқ бўлган икки туркумланиш белгилари асосида молиявий ва тезкор деб аталадиган лизингни ажратадилар. Амалиётда, айниқса молиявий-кредит институтлари томонидан кўпроқ молиявий лизинг қўлланилади. Бу унинг ўзига хос бўлган белгилари билан изоҳланади.

Молиявий лизинг (finance leasing) ўзини ўзи тўлиқ қоплайдиган мол - мулк лизинги ёки унинг қиймати тўлиқ тўланадиган лизинг ҳисобланади (full - payout lease). Молиявий лизинг - лизинг берувчи лизинг олувчи томонидан белгиланган мулкни сотувчидан сотиб олиш ва лизинг олувчига белгиланган тўлов ва лизинг предмети тўлиқ амортизация муддатига тенг бўлган муддатга маълум бир шартлар асосида вақтинчалик фойдаланишга беришдир.

Бундай турдаги лизинг битимлари мол - мулкни атайлаб мулк сифатида сотиб олиш ва кейинчалик уни вақти бўйича ишлатиш ва мол - мулк қийматининг бутун ёки кўп қисми амортизацияланиши яқинлашадиган муддатга вақтинчалик эгалик қилишга ва фойдаланишга бериш операцияси ҳисобланади. Шартнома амал қилиш муддатида лизинга берувчи лизинг тўловлари ҳисобига мол - мулкнинг бутун қийматини ўзига қайтариб олади ва молиявий битимдан фойда олади.

Молиявий лизингни тавсифловчи асосий белгилар қуйидагилардан иборат:

- лизинга берувчи мол-мулкни ўзи фойдаланиши учун эмас, балки уни лизинга бериш учун атайлаб сотиб олади;
- мол-мулкни ва унинг сотувчисини танлаб олиш ҳуқуқи фойдаланувчида қолади;
- мол-мулк эгаси у лизинга бериш учун атайлаб сотиб олинаётганлигини билади; мол - мулк бевосита фойдаланувчига етказиб берилади ва у томонидан ишлатиш учун қабул қилинади;

- мол-мулкни сифати, унинг бутлиги, кафолатмуддати бузиқликларини тузатиш бўйича даъволар лизингга олувчи томонидан бевосита мол - мулк сотувчисига йўлланилади;

- мол-мулк тасодифан нобуд бўлиши ва бузилиши таваккалчилиги мол - мулк ишлатилишга қабул қилиш далолатномаси имзолангандан кейин лизингга олувчига ўтади.

Молиявий лизинг мустақил номланадиган бир неча турларга эга. Анъанавий молиявий лизинг ўзаро муносабатларнинг уч тарафлама тавсифга эгалик ва мол-мулк қиймати тўлиқ қопланиши билан таснифланади. Лизингга олувчининг талабномаси бўйича лизингга берувчи мол етказиб берувчидан керакли бўлган ускунани сотиб олади ва уни лизингга олувчига беради ҳамда лизинг тўловлари ҳисобига ўзининг молиявий харажатларини коплайди ва фойда олади.

Тезкор лизинг (operative leasing) - бунда шартнома муддати мол - мулкнинг иқтисодий ишлатиш муддатидан камроқ. Тезкор лизингда ижарага мол - мулкнинг қиймати қисман тўланиши кузатилади (нон - fullpazout lease) ва шунинг учун лизингга берувчи уни, одатда, турли фойдаланувчиларга бир неча бор вақтинчалик фойдаланишга беришга мажбур.

Оператив лизинг - лизинг берувчи мулкни сотиб олиб, уни лизинг предмети сифатида белгиланган тўлов ҳисобига, шартномада белгиланган маълум бир муддатда тегишли шартлар асосида вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланишни лизингга олувчига беради.

Лизингнинг ушбу тури буюм хаёт циклининг муддати ижаранинг контракт муддатидан аҳамиятли даражада юқори бўлиб, ускуна ижарага қисқа муддатларга берилганда қўлланилади. Амалиётда тезкор лизинг операциялари уч йиллик даврдан ошмайди. Бундай битимларда ижарага берувчи ижарага олувчини олдиндан огоҳлантириш шарти билан контрактни бекор қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Лизингнинг ушбу тури ижара объекти сақланиши учун ижарага берувчи кўпроқ масъулиятга

эгалитини назарда тутди. Ижарага берувчи ускунани таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун мол етказиб берувчи фирма билан мустақил шартнома тузиш бўйича ўзига мажбурият олади. Шундай қилиб, ҳозирги замонавий жаҳон ҳўжалигида, лизинг муносабатлари оддий ижара муносабатларидан инновацион лизинг операциялари даражасига кўтарилди.

1.3 Ўзбекистон Республикаси лизингнинг муносабатларининг иқтисодий ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг республика ва унинг халқи манфаатларига мос кедидан ижтимоий-иқтисодий сиёсатини ўтказиш имконияти туғилди. Бу сиёсатнинг устувор йўналиши бозор муносабатларига босқичма-босқич ўсишдан иборат. Ўз навбатида бозор иқтисодиёти кўп бўғинли инфратузилмани яратишни талаб этади.

Хусусан, 1995 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисми, 1996 йил 29 августда эса ушбу Кодекснинг иккинчи қисми тасдиқланди. Фуқаролик кодексининг 34-бобидаги олтинчи банди лизингга, яъни молия ижарасига бағишланган бўлиб, унда лизингнинг таърифи берилган. Жами 13 моддадан иборат бўлган бу бандда лизинг шартномаси, объекти, субъекти, лизинг тўловлари, томонларнинг мажбуриятлари, жавобгарликлари, ҳуқуқлари ва қатор бошқа масалаларни қамраб олган.

Лизинг операцияси лизинг объекти лизинг олувчи томонидан бевосита тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ишлатилиши кўзда тутилган ҳолларда кўрсатилади.

Лизинг операциясини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бу ҳақда лизинг олувчига билдирилади ҳамда лизинг берувчи банк ва лизинг олувчи ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лизинг шартномаси тузилади.

Лизинг олувчининг буюртмаси бўйича лизинг берувчи банк томонидан лизинг операциясини амалга ошириш ёки оширмаслик тўғрисида қарор қабул қилиш муддати буюртма банкка келиб тушган кундан бошлаб 30 иш кунидан, лизинг операциясини амалга ошириш бўйича эса 10 иш кунидан ошмаслиги лозим.

1.3.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида лизинг муносабатларини тартибга
солувчи асосий қонун ҳужжатлари⁵**

Ҳужжат номи	Бўлим, қисм ва моддалар
14.04.1999 йилдаги №756-I-сонли “Лизинг тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.	Ҳаммаси
1997 йил 1 мартдан бошлаб жорий қилинган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси.	§ 6
Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 07.05.1999 йилдаги 776-рақами билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида молиявий лизингни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом”	Ҳаммаси
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.08.2002 йилдаги “Лизинг тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони	Ҳаммаси

Лизинг муносабатларини йўлга қуйиш ва кенг миқёсда ривожлантириш тадбиркорликни авж олдириш учун катта имкониятлар очади, чунки лизинг ўз заминидаги афзалликлар туфайли битимининг ҳар бир қатнашчиси учун манфаат келтириши керак. Чунончи, лизинг мулкани ишлаб чиқарувчи (сотувчи) ундан фойдаланиб, аввало машина ва ускуна сотиладиган қўшимча имкониятни топади ва шу туфайли маҳсулот сотиш ҳажми кенгайиб боради.

⁵ Д.Ғ.Ғозибеков, О.Ш.Сабиров ва бошқалар. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. Тошкент, “Fan va texnologiya” 2004, 68-бет.

Лизинг муносабатларини амалга ошириш ҳар томонлама манфаатли бўлиб, лизинг операцияларини амалга ошириш ҳам мулк сотувчисига, ҳам лизинг оловчига ўзаро манфаатлидир.

1.3.2-жадвал

**Лизинг мулки сотувчиси учун лизинг операцияларининг
устунликлари⁶**

Сифат устунликлари	Устунлик омиллари
Фаол маркетингни ўтказиш	Истеъмолчилар доирасини қуйидагилар ҳисобига кенгайтиради; доимий равишда техникага эгалик қилишга муҳтож бўлмаганлар; ускуналарни мулк сифатида олиш имкониятига эга бўлмаганлар; техникани аввало ишда синаб кейин олмоқчи бўлганлар; ижара шартида фойдаланмоқчи бўлганлар.
Тўлақонли алоқанинг ўрнатилиши	Ускуналарнинг конструктив камчиликларини тезкор равишда аниқлаш.
Маҳсулот етиштирилишини кенгайтириш ва уларни янгилаш имкониятларини қўлга киритиш.	Моделлар алмашишининг тезланиши ва бунинг асосида янги бозорларни қўлга киритиш.
Тўланмаслик рискларини олдини олиш.	Лизинг компанияси лизинг шартномаси тўловини ва кафолатларини ўз зиммасига олиши.
Самарали реклама воситаси.	Лизинг мулкини ишлатиш даврида мониторинг доираси кенгайтириш ва бўлажак оловчиларнинг қизиқишининг ошиши
Лизинг ускунаси запас қисмлари ва комплектларига талаб ошиши.	Лизинг мулкини ишлатилиши турли захира қисмларини етказиб бериш талабини чиқариш.
Йўналтирилган инвестицияларни бушатилиши	Ускуналарни тезда сотиш натижасида ишлаб чиқарувчида унинг йўналтирилган инвестициялари қисман бушайди
Мулк ишлаб чиқарувчиси (мулкдор) томонидан сотилмаган мулкни фойдаланиш самарасини кутарилиши.	Белгиланган муддатга қайтариб бериш шarti билан лизингга берилади.

⁶ Д.Ғ.Ғозибеков, О.Ш.Сабиров ва бошқалар. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. Тошкент, “Fan va texnologiya” 2004, 68-бет

Лизинг олувчи учун лизинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, унинг ижодий имкониятларини юзага чиқариш ва ишлаб чиқариш техник салоҳиятни ошириш учун инвестицияларни молиялаштиришнинг муқобил усули бўлади.

Лизинг олувчи лизинг шартномасини тузиш учун унинг асосий депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатаётган банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- лизинг буюртмаси;
- лизинг объектининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари ва унинг сотувчиси тўғрисидаги маълумотнома;
- лизингнинг бутун даврини ичига олган пул оқими таҳлили кўрсатилган бизнес-режа;

охирги ҳисобот санасига туман (шаҳар) давлат солиқ инспекция томонидан қабул қилинган бухгалтерлик баланси (1 -шакл), молиявий натижалари ҳақида ҳисобот (2-шакл), муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлик ҳақидаги маълумотнома (2а-шакл), 90 кундан ортиқ муддатдаги қарздорликни солиштириш далолатномалари. Лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўзаро келишган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ лизинг объектини жадал амортизация қилишни қўллаш ҳуқуқига эга.

Лизинг объекти шартномага мувофиқ лизинг берувчи банк томонидан лизинг объектини сотиб олишга, лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ ва бошқа харажатларини қайтариш ҳамда лизинг даромади (фоизи) тўловини амалга ошириш таъминоти вазифасини бажариши мумкин. Лизинг берувчи банклар лизинг бериш юзасидан қарор қабул қилиш учун лизинг олувчидан унинг лизинг тўловларини амалга ошириш имкониятларини баҳолаш учун зарур бўлган ҳужжатларни сўраб олишлари мумкин.

Лизинг олувчи учун лизинг операцияларининг стратегик устунликлари⁷

Устунликлар	Мазкур устунликларни таъминлайдиган
Ўзининг илк капиталига эҳтиёжнинг пасайиши	Аввалига битишув тўла-туқис лизинг берувчи томонидан молияланади. Зарур асбоб-ускуна ҳақини бир йўла тўлаш талаб қилинмайди, бу эса фойдаланувчининг ликвид маблағини озод қилади ва унинг ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун потенциал айланма капиталининг кўпайтиради.
Тўловлар тизимининг мосланувчанлиги	Биринчи тўлов муддатини узайтириш, бўлак ва бошқа шаклдаги тўловларни аста-секин кўпайтириш ёки камайтириш мумкин. Лизингга олинган асбоб-ускунада ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар шаклида фойдадан тўловларни амалга ошириш мумкин.
Трансакциялардаги тежаш.	Лизинг берувчидан мол-мулкни сотиб олиш, сақлаш, тугатиш ва сотишдаги сермехнат операцияларга эҳтиёж бўлмаслиги ҳисобига маъмурият чикимлар камаяди.
Солиқ имтиёзлари, лизингнинг давлат томонидан қўллаб-	Кўпчилик мамлакатларда лизинг олувчилар учун лизинг тўловларини сундириш даврида солиқ соҳасида қўшимча
Асбоб-ускунанинг маънавий эскириши муносабати билан товар ишлаб чиқарувчи учун рисклар камайиши.	Асбоб-ускунанинг маънавий ва жисмоний эскириши rischi лизинг берувчига утади. Фойдаланувчи янги асбобускунани ижарага олиши мумкин.
Лизинг олувчининг илмийишлаб чиқариш салоҳиятининг ортиши	Лизингда бир хил илк капитал фоизли кредитни харид қилгандан кўра анча кўпроқ ишлаб чиқариш қувватларини ишга солиш имконини беради.
Тадбиркорнинг иқтисодий эркинлиги кенгайиши	Лизинг объектини сотиб олиш, шартнома муддатини узайтириш ва янги замонавий асбоб-ускуна харид қилиш йўлларида бирини танлаш.
Товар ишлаб- чиқарувчининг бухгалтерия ҳисобкитобини мақбуллаштириш соҳасида кўрадиган манфаати.	Лизинг объекти лизинг берувчининг мулки бўлиб, унинг балансида ҳисобда туради ва унга амортизация ажратмалари ҳисоблаб ёзилади.
Лизинг олувчининг молиявий манфаатлари	Молиялашнинг одатдаги манбалари (банклар, етказиб берунчилар ва бошқалар)га қарамлик камаяди. Лизинг объектидан фойдаланувчи солиққа тортилмайди. Лизинг шартномасини олиш ссуда олишдан кўра осонроқ ва манфаатлироқ. Барқарор тўловлар инфляциянинг таъсирини ва узок муддатли ссудалар бўйича банк фоизлари усишини пасайтиради.

Лизинг операциялари молиявий барқарор бўлган хўжалик юритувчи субъектларга тўловлилик, таъминланганлик, банк томонидан лизинг объектини сотиб олишга инвестиция қилинган кредит

⁷ Д.Ғ.Ғозибеков, О.Ш.Сабилов ва бошқалар. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти., “Fan va texnologiya” 2004 йил, 70-бет

маблағларини қайтаришлик ва мақсадга мувофиқ фойдаланишлик тамойиллари асосида амалга оширилади.

Лизинг муносабатларининг барча қатнашчилари учун лизингнинг юқорида кўрсатилган устунликлари муваффақиятли амалга оширишни, аввало улар фаолият кўрсатаётган иқтисодий муҳит билан белгиланади. Мамлакат қонунчилиги, шу жумладан, солиққа оид қонун ҳужжатлари лизингнинг потенциал устунликларини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Халқаро лизингда қатнашувчилар учун устунликлар лизинг шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг қонунчилиги билан белгиланади. Лизингни баҳолашда амалдаги солиқ қонунларини ҳисобга олиб рисклар ва манфаатларнинг ҳисоб-китоби муҳимдир. Лизинг берувчи лизинг олувчига қарз берганида анча юқори даражадаги рискни зиммага олганлиги сабабли юқорироқ дисконт ставкасига лойиқ бўлади. Шу сабабли лизинг шартномасини баҳолаганда лизинг кредити юзасидан қилинган соф чиқимларни белгилаш бош масаладир.

Буюртма лизинг берувчи банк томонидан кўриб чиқиляётганда қуйидагиларнинг таҳлили амалга оширилади:

- буюртма берувчи даромадларининг лизинг тўловларини амалга ошириш учун етарлилиги;
- буюртмада баён этилган маълумотларнинг бир-бирига зид эмаслиги;
- лизинг берувчи банк олдидаги мажбуриятларни буюртма берувчи томонидан ўз вақтида бажариш имкониятининг мавжудлиги.

Бунда лизинг объекти лизинг олувчи томонидан лизинг берувчи банк фойдасига йўқолиш ва шикастланиш ҳодисаларидан ихтиёрий суғурта қилиниши ва бу тўғрида суғурта полисини банкка тақдим этилиши шарт.

Лизинг берувчи лизинг операциясини амалга ошириш натижасида сарфланган маблағларнинг қайтарилиши ва лизинг фоизи тўланишининг кафолати сифатида лизинг олувчидан бошқа таъминот шакллари тақдим этишни талаб қилиши мумкин.

Лизинг фоиз ставкалари миқдори лизинг оловчи ва лизинг берувчи банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра лизинг шартномасида белгиланади.

Лизинг объекти ҳисобланган мол-мулк бўйича тузиладиган битимлар қонунга мувофиқ нотариал тасдиқланиши талаб қилинадиган ҳолларда лизинг шартномаси нотариал тасдиқланиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, лизинг шартномаси қуйидаги шартлардан бирига жавоб бериши керак:

а) лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг объекти лизинг

оловчининг мулки бўлиб ўтса;

б) лизинг шартномасининг муддати лизинг объекти хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлса ёки лизинг объектининг лизинг шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан кам бўлса;

в) лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг оловчи лизинг

объектини унинг бозор қийматидан паст нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса, бунда ана шу ҳуқуқни амалга ошириш кунидаги лизинг объекти қиймати асос бўлади.

г) лизинг шартномаси амал қиладиган давр учун лизинг тўловларининг умумий суммаси лизинг объекти қийматининг 90 фоизидан ортиқ бўлса.

Лизинг шартномасида лизинг шартномаси бошлангандан то тугагунга қадар лизинг объектнинг қиймати бўйича вужудга келадиган ўзгаришларни инобатга олиб, лизинг тўловлари суммасига тарафларнинг келишувига биноан тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш шартлари кўзда тутилиши мумкин.

Лизинг шартномаси тузилганидан сўнг лизинг берувчи банк ва сотувчи ўртасида лизинг объектининг олди-сотди шартномаси тузилади.

Бунда лизинг берувчи банк сотувчига мол-мулк муайян лизинг олувчига бериш учун сотиб олинаётганлигини билдириши шарт.

Лизинг объектини фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси имзоланиб, мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи лизинг олувчига ўтганидан сўнг лизинг операцияси амалга оширилган ҳисобланади.

Лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг объекти сотувчи томонидан бевосита лизинг олувчига у турган жойда топширилади.

Фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси лизинг олувчи томонидан расмийлаштирилади ва лизинг берувчи банк, лизинг олувчи ҳамда сотувчи томонидан имзоланади.

Лизинг объекти етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган ёки сифати талаб даражасида бўлмаган лизинг объекти етказиб берилган тақдирда, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, лизинг олувчи:

- лизинг тўловини амалга оширишни кечиктириш;
- етказиб бериладиган лизинг объектидан воз кечиш;
- лизинг шартномасининг бекор қилинишини лизинг берувчидан талаб этиш;
- лизинг шартномасини бажармаслик ёки тегишлича бажармаслик натижасида етказилган зарарларни тўлашни лизинг берувчидан талаб қилишга ҳақлидир.

Лизинг берувчи банк ҳар бир лизинг операцияси бўйича лизинг йиғма жилдини шакллантиради.

Лизинг йиғма жилдда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

- лизинг олувчининг буюртмаси;
- лизинг шартномаси;
- лизинг олувчининг охирги ҳисобот санасига бухгалтерия баланси;
- лизинг олувчининг лизинг бўйича бизнес-режаси;

- лизинг олувчининг тўлов қобилияти ва унинг бизнес-режасининг самарадорлиги тўғрисида лизинг берувчи банкнинг хулосаси;
- суғурта компаниясининг лизинг объектини суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси;
- лизинг берувчининг лизинг объектини лизинг олувчига етказиб берилиши тўғрисидаги буюртмаси;
- лизинг объектининг олди-сотди шартномаси;
- лизинг объектини фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси;
- лизинг объектига сотувчи томонидан берилган техник кафолат;
- лизинг операцияси ҳамда таъминоти характеридан келиб чиққан ҳолда олинган бошқа ҳужжатлар.

Лизинг шартномаси юзасидан қўшимча келишув тузилган тақдирда, у ҳам лизинг олувчининг лизинг йиғма жилдига тикиб қуйилади.

Лизинг олувчи лизинг шартномасида белгиланган муддат давомида лизинг объектига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини олади.

Лизинг олувчи томонидан лизинг шартномаси бўйича ўзида пайдо бўлган ҳуқуқ, мажбурият ва бошқа манфаатларни учинчи шахсга ўтказиш (қўшимча лизинг)га фақат лизинг берувчининг ёзма розилиги асосида рухсат этилади.

Лизинг олувчи сотувчи томонидан лизинг объектига берилган техник кафолатдан фойдаланади.

Лизинг объектини ўз вақтида етказиб берилиши ва бутланиши ҳамда уни ўрнатишга доир мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича сотувчидан талаб қилиш ҳуқуқини лизинг олувчи ўз зиммасига олиши лизинг шартномасида белгиланиши мумкин.

Лизинг операциялари банк бизнесида кенг татбиқ этила бошланди, чунки улар тижорат банклари учун бир қатор муҳим афзаллик келтиради:

- мазкур банк тузилиши аниқ таъминотга эга бўлади;
- лизинг операциялари ва у билан боғлиқ хизматлар мунтазам кенгаяди;

➤ лизинг ёрдамида мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш имкони туғилади ва бу билан мижозлар доираси кенгаяди;

➤ ўз ишлаб чиқариш фондини янгилашга муҳтож мижозлар билан сифат жиҳатдан янгича шериклик муносабатлари ўрнатилади.

Банк учун лизинг операциясининг афзаллиги шундан иборатки, унинг самарадорлиги етарли даражада юқори бўлади. Лизинг тўловлари орқали банк лизинг олувчиларга кўрсатган хизмати учун комиссия тўловлар олиш ҳисобига ўз даромадини тўлдиришнинг сифат жиҳатдан янги манбаига эга бўлади. Бундан ташқари, тижорат банки, лизинг бизнесини ривожлантириб, узоқ муддатли кредитлаш операциясига қараганда лизинг операциялари ҳисоби нисбатан соддалиги туфайли маблағ тежаши мумкин. Шу билан бирга жаҳон тажрибаси кўрсатадики, лизинг операциялари риск даражаси етарлича бўлган банк операциялари қаторига киради.

Лизинг операцияларини амалга ошириш схемалари

1. Анъанавий молиявий лизинг операциясини амалга ошириш схемаси.

2. Қарзга олинган маблағ ҳисобига лизинг операциясини амалга ошириш схемаси.

3. Қўшимча лизинг (сублизинг)ни амалга ошириш схемаси.

4. Қайтариладиган лизингни амалга ошириш схемаси.

5. Банклар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган лизинг операциясининг схемаси.

6. Тижорат банкларининг кредити ҳисобига лизинг операциясини амалга ошириш схемаси.

7. Алоҳида (синдикатлашган) лизинг операциясининг схемаси.

8. Компания билан тижорат банклари ўртасида ҳамкорликда фаолият юритиш схемаси.

Лизинг операциясининг босқичлари:

1. Лизинг лойиҳаси бўйича лизинг оловчи билан дастлабки муҳокама.

2. Лизинг оловчи томонидан буюртма ва лойиҳа бўйича барча зарур бўлган ҳужжатларни компания мутахассисларига тақдим этилиши (лизинг компаниясига топшириладиган барча ҳужжатлар топширилган вақтда ҳақиқий бўлиши ва лизинг оловчини молиявий ва ҳуқуқий ҳолатини аниқ кўрсатиши лозим).

3. Лизинг оловчи томонидан тақдим этилган бизнес-режа, бухгалтерлик ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатларни иқтисодий таҳлил қилиш

4. Таъсис ҳужжатларининг юридик экспертизаси.

5. Лизинг лойиҳасини молиялаштиришни мақсадга йўналтирилганлиги тўғрисидаги хулоса ҳисоботини раҳбарият учун тайёрлаш ва тақдим этиш.

6. Лизинг лойиҳаларини молиялаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш.

7. Ускунани қабул қилиш, жойлаштириш, монтаж ва фойдаланишга топшириш (3 кундан 90 кунгача).

8. Лизинг лойиҳаси амал қилиши давомида компания мутахассислари томонидан лизинг оловчининг молиявий ҳолатини текшириш ва мониторингини амалга ошириш.

9. Лизинг оловчи томонидан лизинг тўловларини тўлаш ва лойиҳа якунида лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг оловчига ўтиши.

Корхоналарни лизинг асосида молиялаш учун зарур бўладиган ҳужжатлар рўйхати:

1. Буюртманома.

2. Таъсис ҳужжатлари (Низом, таъсис шартномаси, рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома) нинг нусхаси.

3. Фаолият тури алоҳида рухсатномани талаб қилса, фаолиятни олиб бориш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома.

4. Корхонанинг охирги икки йил учун йиллик ва жорий йилнинг ҳар чораги бўйича чораклик солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган бухгалтерлик ҳисоботи (барча иловалари билан бирга).

5. Асосий воситалар тўғрисидаги йиллик ҳисобот.

6. Банк томонидан тасдиқланган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги ҳисобот (шаклланиш санаси кўрсатилган ҳолда).

7. Солиқ инспекциясидан бюджет билан ҳисоб-китоблар тўғрисида ва хизмат кўрсатувчи банк томонидан қарздорлик (2-сонли картотекада турган ҳужжатлар) тўғрисида берилган маълумотномалар.

8. Лизинг олувчининг ускуна ўрнатилиши мўлжалланаётган ишлаб чиқариш биносидан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (ижара шартномаси, кадастр маълумотномаси).

9. Хом ашё ва материалларни етказиб бериш бўйича контрактлар (ниятлар баёни).

10. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш бўйича контрактлар (ниятлар баёни).

11. Лойиҳа бизнес-режаси (техник-иқтисодий асословчи ҳужжат).

12. Раҳбар ва бош ҳисобчининг паспорт ва меҳнат дафтарчаларининг нусхалари.

Хусусий тадбиркорларни лизинг асосида молиялаш учун зарур бўладиган ҳужжатлар рўйхати:

1. Буюртманома.

2. Рўйхатдан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома нусхаси.

3. Индивидуал меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рўйхатга олинган гувоҳнома нусхаси.

4. Давлат солиқ инспекциясида рўйхатга олинганлиги ва солиқ тўловчи индивидуал рақами берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

5. Ишлаб чиқариш фаолиятини олиб бориш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома, (фаолият тури алоҳида руҳсатномани талаб қилган тақдирда).

6. Солиқ инспекциясидан бюджет билан ҳисоб-китоблар тўғрисида ва хизмат кўрсатувчи банк томонидан қарздорлик (2-сонли картотекада турган ҳужжатлар) тўғрисида берилган маълумотномалар.

7. Лизинг олувчи томонидан ускунани ўрнатилиши мўлжалланаётган бинодан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (ижара шартномаси, кадастр маълумотномаси).

8. Хусусий тадбиркорга хизмат кўрсатувчи банкдан охирги уч ой мобайнида олиб борилган ҳисоб-китоблар ҳақида маълумот.

9. Усқунани(мулкни) етказиб берувчи ҳақида маълумот.

10. Талаб қилинаётган усқунанинг (мулкни) техник тавсифи.

11. Хом ашё ва материалларни етказиб бериш бўйича контрактлар (ниятлар баёни).

12. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш бўйича контрактлар (ниятлар баёни).

13. Лойиҳа бизнес-режаси (техник-иқтисодий асословчи ҳужжат).

14. Хусусий тадбиркорнинг паспорти ва меҳнат дафтарчасидан нусхалар.

Ушбу ҳужжатлар рўйхати лизинг лойиҳасининг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш учун зарур бўлган маълумотларнинг тўлиқ рўйхати бўлиб ҳисобланмайди, зарур ҳолларда лизинг компаниялари молиялаштирилаётган лойиҳага дахлдор бошқа маълумот ва ҳужжатларни расмий равишда сўрашга ҳақлидирлар.

I боб бўйича хулоса

Бугунги кунда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг бир шакли сифатида мамлакатимизда лизингдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, лизинг механизми орқали ишлаб чиқариш корхоналар ва қишлоқ хўжалигини молиялаштириш асосий ўрин эгаллайди. Лизинг бунда молиявий инвестицияларни реал инвестицияларга айлантиришда,

молиявий ва ишлаб чиқариш капиталининг харакатланишида асосий механизмлардан бири ҳисобланади.

Лизингнинг замонавий мазмун-моҳиятини тўлароқ очиб беришга ҳаракат қилган ҳолда унинг қуйидаги мазмунга эга таърифи ишлаб чиқилди: лизинг мулкӣ-молиявий мазмун касб этиб, ижара, кредит ва инвестиция муносабатларини ўзида мужассам этувчи тадбиркорликни амалга ошириш ва ривожлантириш услуби ва уни ташкил этиш шаклидир. Лизинг муносабатлари эса ўзининг иқтисодий мазмунига кўра, қарз бериш ва қарз олиш асосида ижара муносабатларининг алоҳида шаклини ҳамда ўзаро боғлиқ иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларни акс эттиради.

Қишлоқ хўжалигининг бу қадар тез ривожланиши инвестицион ресурсларга бўлган юқори эҳтиёжни келтириб чиқаради. Уларни қоплашнинг самарали манбаларидан бири лизинг бўлиб қолди. Лизинг бозори - Ўзбекистон молия бозорининг юқори суратларда ривожланаётган бўлимидир.

Бугун биз Ўзбекистон Республикасида лизингнинг ҳуқуқий асослари шаклланаётганлигини ишонч билан айтишимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси лизинг шартномасининг мазмуни, лизинг субъектлари ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, лизинг муомалаларида иштирок этаётган субъектларнинг жавобгарлигини, лизинг объектларини, сублизингни белгилаб беради. Умуман олганда, ҳозирги кунда лизинг бозорларини ривожланиши, халқаро андозаларга мос равишда товар ва хизматлар таклифини кўпайтириш учун лизинг механизмини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунда Европа давлатлари ва Осиё мамлакатларига ҳам ривожлантириш ва ҳар бир мамлакат лизинг бозорларида ўзига ҳос муҳит пайдо бўлиши лозим. Бу эса ўз-ўзидан лизинг муносабатларига имтиёزلарни яратилиши хорижий инвестицияларни жалб қилишда эркин очик иқтисодиёт шароитида қўлай муҳитини яратишда ўзига ҳос омил эканлигини билдиради.

Ўзбекистон иқтисодиётидаги бугунги фаол ўзгаришлар қишлоқ хўжалиги соҳасида моддий техник ресурсларидан, ҳом ашё ва материаллардан фойдалана олиш имкониятларини янада кенгайтириш зарурияти, уларнинг асбоб-ускуналар, транспорт ва бошқа техникаларни сотиб олишларида қатор муаммоларга дуч келаётганлиги, хусусан, уларни харид қилиш уларнинг “чўнтаги”га тўғри келмаётганлиги қулай молиявий воситалардан фойдаланишни тақозо қилмоқда.

Ривожланган мамлакатларда лизинг кўп пул маблағларини жалб этмасдан ишлаб чиқаришни кенгайтиришни таъминлаш ва уни янгилашга имкон берувчи ишлаб чиқариш секторини техник қайта куроллантиришнинг самарали воситаси эканлиги намоён бўлмоқда.

Лизинг муносабатлари ёрдамида, моддий ва молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш асосида лизинг битими қатнашчиларининг барча манфаатларини мос келган ҳолда юзага чиқиши таминланади. Бир пайтнинг ўзида, капитал ва фойдани йўқотиш рискларининг лизинг битими иштирокчилари ўртасида тақсимланиши амалга оширилади.

II БОБ. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги соҳасида лизинг операциялари ва инвестицион фаолияти ҳозирги ҳолатининг таҳлили

2.1 Ўзбекистонда лизинг бозорининг амалдаги ҳолати динамикаси

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан сўнг республика ва унинг халқи манфааларига мос келадиган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ўтказиш имконияти тўғилди. Бу сиёсатнинг устивор йўналиши бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда меҳнат қийинчилигини камайтириш мақсадида фермер хўжаликларни ривожлантириш шунингдек, лизинг бозорида лизинг беривчилар ҳамда лизинг хизматларини кенгайтириш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Республикада лизинг хизмати кўрсатиш билан шуғулланувчи компаниялар сонининг кўпаяётгани улар орасида соғлом рақобат муҳити шаклланишига ва охир-оқибат кўрсатилаётган лизинг хизматлари тури ва сифатининг ошишига, фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келаяпти. Лизинг компаниялари ташкил этишни рағбатлантириш, уларга солиқ, божхона имтиёзлари беришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш унинг ривожига катта ҳисса қўшади.

Шу сабабли қишлоқ хўжалиги соҳасида тубдан ўзгартиришлар амалга ошира бошланди. Мамлакатимиз табиати дехқончилик, чорвачилик ва боғдорчиликка мос иқлим шароитига эга. Шу сабабли тўрт фаслда ҳам ҳослдор ерлардан унумли фойдаланиш лозим. Замон талабларига мос қишлоқ хўжалигининг илғор техника ва технологиялардан фойдаланишимиз зарур бунинг учун, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда лизинг имкониятларини кўриб ўтамиз. Ўзбекистонда 31,5 млн. аҳоли истиқомат қилади. Ушбу аҳолининг 63,6% қишлоқ жойларда кун кечиради.

ЯИМ да лизинг портфелининг улуши, 2005 йилда 0,9 % ни ташкил этган бўлас, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 1,5% ни та этди. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, 2014 йилда 2005 йилга нисбатан 0.6 ф.б.га етди.

2.1.1-жадвал

Лизинг молия бозори тенденциялари ⁸

Йиллар	Асосий капиталга инвестицияда лизинг улуши, %	ЯИМ да лизинг улуши, %	ЯИМ да лизинг портфели улуши, %
2005	3,7	0,6	0,9
2006	4,2	0,6	1,2
2007	3,9	0,8	1,2
2008	4,2	1,0	2,2
2009	3,2	0,8	2,3
2010	2,7	0,7	1,8
2011	2,7	0,6	1,6
2012	2,7	0,6	1,3
2013	2,8	0,7	1,3
2014	2,5	0,6	1,5

Лизинг хизматлари бозорининг динамикаси ва ҳажми. Асосий капиталга инвестициялар тузилмасида лизинг улуши 2014 йил якунлари бўйича 2,5%га этди. Шунингдек, лизингнинг ЯИМдаги улуши 2013 йилдаги 0,7% дан 0,6% га пасайди. Лизинг портфелининг ЯИМдаги улуши 2014 йил якунларига кўра 2013 йилга нисбатан 0,2 ф.б.га ўсди ва 1,5%ни ташкил қилди.

Ҳозирги пайтда лизинг оловчи корхоналарда керакли ускунани лизингга олиш учун ахборот етишмайди. Лизинг оловчи томонидан лизинг

⁸ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

берувчига лизинг тўловларини тайёр маҳсулот кўринишида тўлаш тартибини йўлга қўйиш ҳам бу соҳа ривожига ҳисса қўшган бўлар эди.

Қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган корхоналар қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари таъсирида доимий равшда молиявий маблағларга эҳтиёж сезади. Чунки, экинларни экиш ва парваришlash даври узок давом этиб, ҳосилни йиғиб олгунга қадар пул тушуми бўлмайди. Бу ҳолат ишлаб чиқариш харажатларини молиялаштириш учун айланма маблағларни шакллантиришга маблағ излашни талаб этади. Бундай ҳолатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида кўлланиладиган фьючерс операциялари муҳим аҳамият касб этади. Фьючерс операцияларида маҳсулотни сотиб олувчи харидор йил бошидан келгуси ҳосил учун бўнак (ҳосил қийматининг бир қисмини олдиндан тўлаб қўйиш) сифатида маблағ бериб туради. Фермер хўжалиги бўнакдан фойдаланиб, жорий ишлаб чиқаришни молиялаштириш имконига эга бўлади. Мамлакатимизнинг ЯИМ динамик кўрсаткичи, 2013 йилда 8,0% ни ташиқил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2014 йилга келиб 0,1% га қўпайди.

Бундан хулоса қиламизки, Аҳоли турмуш даражаси яхшиланиб, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, саноат ва қишлоқ хўжалига тармоқлари яхши ривожланмоқда. Республикамизда пахта ва дон экинларига давлат буюртмаси ўрнатилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 31 декабрдаги ПФ-2165-сонли фармониға мувофиқ фермер хўжаликлари давлат буюртмаси ҳажмидаги етиштираётган маҳсулот қийматининг 50 фоизи миқдорида Молия Вазирлигининг “Давлат эҳтиёжлари учун харид этиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси” маблағлари ҳисобидан аванс пули (транш) олиш имкониятига эга. Бунинг ижобий томони шундаки, фермер хўжаликлари маҳсулот етиштириш учун зарур бўлган айланма маблағларни юқори фоиз ставкаларида тижорат банкларидан қарзга олишга мажбур бўлмайди.

Мамлакатимизда саноат маҳсулотларининг ўсиш динамикасини кўриб ўтадиган бўлсак, 2008 йил саноат маҳсулотлари енг юқори 112,7%ни ташкил этган.

2014 йил саноат маҳсулотларининг ўсиш динамикаси 108,3% ни ташкил этган. Бундан билишимизки, ўтган йилга нисбатан 2014 йилда 0,5% га саноат маҳсулотларининг ўсиши камайган.

Мамлакатимизда лизинг бозорининг қишлоқ хўжалигида тутган ўрни 1998 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси "Лизинг тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Олий Мажлиснинг сессиясига муҳокама учун киритилди ва 1999 йил 14 апрелда Олий Мажлиснинг қарори билан Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги қонуни қучга кирди. Мамлакатда лизинг муносабатларининг ривожланиши ҳамда республика тижорат банкларини молиявий хизмат турини жалб қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 1997 йил 29 мартда тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан лизинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги қоидалари муҳим роль ўйнади. Хусусан, бу ҳужжат тижорат банкларининг лизинг бозорида фаолият юритиш меъёрларини аниқлаб, банк мижозлари бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектларига банklar томонидан лизинг хизматларини бажариш учун ҳуқуқий асосларни яратди.

Ўзбекистонда яқин йилларгача 6 та лизинг компаниялари фаолият юритар эди. Уларнинг ҳаммаси «Барака» лизинг компаниясидан ташқари ҳукумат қарори билан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва нобанк молия институтларининг кейинги ривожлантириш мақсадида ташкил қилинган эди. Барча лизинг компаниялари 1995 ва 1999 йиллар мобайнида ташкил этилган бўлиб, уларнинг бари ўзларининг мўлжаллаган бозорига эга эдилар. Улар бир-бирини такрорламайди. Битта компания ўз хизматларини кичик ва ўрта бизнесга, иккинчиси эса «Узавиализинг» Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан самолётлар экспортига ихтисослаштирилган эди.

Ўзбекистон лизинг бозорида биринчи бўлиб 1995 йилда ташкил этилган компаниядир. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- техник ускуналарни ишлатиш учун узоқ муддатли молия,
- Ўзбекистон иқтисодийёти тармоқлари учун лизинг доирасида юқори технологияни жалб этиш,
- халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни ўстиришда кичик бизнесга кенг тармоқли лизинг хизматларини таклиф этиш.

Унинг устав капитали 4 миллион АҚШ доллариға тенг. Унинг таъсисчилари Европа тикланиш ва тараққиёт банки (15%), Халқаро молия корпарацияси(15%), Малайзиянинг «Малаян банкининг Берхард» банки(35%) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ТИФ банки (35%) ҳисобланади. У 68 мингдан 300 минг АҚШ доллариға қадар бўлган қийматда 7 та лойиҳа бўйича ўз фаолиятини бошлаган. 2003 йилға келиб эса у 42 та лойиҳани 10 миллион доллар атрофида амалға оширди. Бу компания ўз валюта маблағиға эға бўлган яғона миллий лизинг компанияси ҳисобланади.

«Ўзкейсагролизинг» қўшма корхонаси. Бу қўшма корхонанинг асосий вазифаси Республика аграр секторига лизинг бўйича юқори унумли қишлоқ хўжалик техникасини етказиб беришдир. У ташкил этилгандан то 2002 йилға қадар 7.2 миллион АҚШ доллари бўлган 37 та лойиҳани амалға оширди.

«Ўзавиализинг» акциядорлик компанияси. Бу компания 1997 йил ташкил топган бўлиб устав капитали 24.5 миллион АҚШ доллариға тенг. Бу компаниянинг таъсисчилари:

- Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси (61.22%)
- Ўзбекистон Давлат мулк қўмитаси (8.16%)
- Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки (8.16%)
- Ихтисослаштирилган давлат акциядорлик «Асака» банки(8.16%)
- Осиё-Европа траст компанияси

Бу компания 1996 йилда ташкил этилган бўлиб, устав капитали 50 миллион долларга тенг. Бундаги таъсисчилар Канада компанияси 70% ва бизнес фонд 30% дир. Дастурда лизинг шартномаси бўйича ишлаб чиқариш ускуналари ва технологиялари бўйича етказиб бериш кўзда тутилади.

2.1.2-жадвал

Лизинг берувчилар бозори⁹

	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014
Лизинг берувчилар сони	49	64	86	83	84	99	99	88

Лизинг компаниялар: 16 та ёпилган: «Ziynat Lizing», «Kesh Trading Leasing», «Trans Leasing Plyus», «Sarbon Leasing», «Spec Hidrostroy Trans», «Alfa Group Leasing», «Energotejash Leasing», «Progress Leasing Group», «Optima Leasing», «Universal Invest Leasing», «United Industrial Equipment», «Svetlana-Trans Biznes», «Ema Leasing», «Shosh Invest Group», «Orient Leasing», «Express Leasing».

5 та очилган: «Qurilishmashlizing», «Asia Leasing», «Madat Fayz Lizing», «Status Leasing», «Umida and Elizabeth»

2 та фаолиятини тиклаган: «Consalt Invest Leasing», «Texno Leasing».

Банклар: 3 таси ёпилган : «Samarqand Bank», «Amir Bank», «Credit Standart»

Лизинг хизматлари бозорининг динамикаси ва ҳажми. Асосий капиталга инвестициялар тузилмасида лизинг улуши 2014йил якунлари

⁹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

бўйича 2,5%га етди. Шунингдек, лизингнинг ЯИМдаги улуши 2013 йилдаги 0,7% дан 0,6% га пасайди. Лизинг портфелининг ЯИМдаги улуши 2014 йил якунларига кўра 2013 йилга нисбатан 0,2 ф.б.га ўсди ва 1,5%ни ташкил қилди.

2.1.3-жадвал

Лизинг компаниялари. TOP 5 талик¹⁰

№	Лизинг компаниялари	Лизинг операцияси хажми (млн. сўм)
1	O'zqishloqxo'jalikmash Leasing	267 640,60
2	O'zavtosanoat Leasing	74 621,00
3	Uzbek Leasing International	63 960,40
4	O'zmeliomash Leasing	25 424,60
5	SIFCO International	16 009,00

Ўзбекистон Республикаси лизинг компаниялари ТОП 5 қиёслама жадвалга мурожат қиладиган бўлсак, биринчи ўринда «O'zselxozmash Leasing» компанияси егаллаб турубди «O'zselxozmash Leasing»-2013 йилда 271498,8 (млн. сўм)га тенг лизинг операциясини бажарган, 2014 йилда 267 640,60 (млн. сўм)га тенг булган, 2013 йилга нисбатан 3849,8 (млн. сўм)га кам лизинг операцияси бўлган. «O'zavtosanoat Leasing» да еса 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 8725,00 (млн. сўм)га ошган Ўзбекистон лизинг бозорида иккинчи ўринни егаллаб турибди.

2013 йилда «O'zmeliomash Leasing» 38 542,50 (млн. сўм)га тенг бўлган лизинг операцияси билан учинчи ўриндан, 2014 йилга келиб 25 424,60 (млн. сўм)га тенг лизинг операцияси билан Ўзбекистон лизинг бозорида тўртинчи ўринга тушиб кетди, 2014 йилда «Uzbek Leasing International» Ўзбекистон лизинг бозорида учинчи ўринга чиқиб олди.

¹⁰ O'zbekiston lizing beruvchilar uyushmasining 2014 yil yakunlari asosida muallif tamonidan tayyorlandi.

Ўзбекистонда лизинг фаолиятини ривожлантириш учун берилган солиқ имтиёзлари лизинг бозорида лизинг хизматлари ортиб, қишлоқ хўжалигида янги техника ва технологиялар лизинг орқали молиявий инвестиция киритилмоқда.

2.1.4-жадвал

Ўзбекистонда лизинг фаолиятини ривожлантириш учун берилган солиқ имтиёзлари ¹¹

Барча лизинг берувчилар	Барча микрофирмалар ва кичик корхоналар	Лизинг тўловлари	Лизинг объекти лизинг даврида	Лизингга бериш учун Ўзбекистонга олиб кириладиган ускуналар
Лизинг фаолияти бўйича олинган даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўловидан		Қўшимча қиймат солиғи тўловидан	Мулк солиғи тўловидан	Божхона тўловидан

Лизинг бозорида амалга ошириладиган битимлар ҳажми эса йил якунига кўра аввалги йилнинг шу даврига нисбатан лизинг битимлари динамикаси пасайиш тенденциясига эга. Яъни 2013 йилда 6692 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2014 йилда эса 4848млрд. сўмга етган.

Технологик ускуналарнинг улуши эса бироз ўсди ва 27,7 фоизни ташкил қилди, 2013 тил билан солиштирилганда(22,4 фоиз).

2014 йил лизинг битимларининг сони жиҳатидан, 2013 йилга нисбатан 2124 та лизинг битимларига сезиларли даражада камайиш тенденциясига эга.

¹¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Лизинг берувчилар таклифи¹²

Лизинг беривчилар	Лизинг объекти	Лизинг муддатити (йил)	Фоиз ставкаси	Лизинг тўлов тўловлари
Барака лизинг	Чекланмаган	2-5	16-28	Ҳар ой ёки чоракда
Барқарор лизинг	Усуна, мулкый мажму ,автотранспорт	1,1-3	16-17	Ҳар ой
Бизнес Инвест групп	Қурилиш техникаси	1-3	18-20	Ҳар ой
Ферон авто лизинг	авто	1,1-3	18-24	Ҳар ой
Нона лизинг	Чекланмаган	1,1-7	19-22	Ҳар ой
Агроинвест лизинг	Кучмас мулк, транспорт	2-4,5	26-28	Ҳар ой
Азия лизинг групп	Кўчмас мулк, транспорт	1,1-5	16-31	Ҳар ой
Инфин лизинг	Кўчмас мулк, усуна, автомобиллар	1-4	16-18	Ҳар ой
Uzbeklzing International	Усуна ва техника	1-5	12-22	Ҳар ой ёки чоракда
“Ўзқишлоқмашлизинг” АЛК	Қишлоқ хўжалик техникалари	1-10	4,5-25	Ҳар ой ёки чоракда
Универсал Банк	Транспорт	3-10	12-24	Ҳар ой
Азия Аланс Банк	Усуна, кучмас мулк	1,5-5	10-20	Ҳар ой
КДБ Банк	Усуна, кучмас мулк	1-5	9-24	Келишувга асосан
Ҳамкор Банк	Чекланмаган	1,1-8	15-20	Ҳар ой
Савдогар Банк	Усуна, кучмас мулк	1,1-4	12-24	Ҳар ой ёки чоракда
Агробанк	Қишлоқ хўжалик техникалари	1-7	15-25	Ҳар ой
Асака Банк	сЧекланмаган	1-7	15-20	Ҳар ой
Микрокредитбанк	Кичик бизнес субъектлари учун техника ва усуналар	3-5	4,5	Ҳар ой


Лизинг хизматлари бозори юқори ўсиш салоҳиятига эга. Йилдан-йилга лизинг берувчилар бозоридаги рақобат ортиб бормокда. Бу эса

¹² Тижорат банклари ва лизинг компанияларининг махсус расмий сайтлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

тақдим қилинаётган лизинг хизматлари сифатининг ошишидан далолат беради.

Йил якунига кўра, аввалги йилнинг шу даврига нисбатан янги лизинг операциялари ҳажми ўсиш суръати 2,5 баробарга тўғри келади. 2014 йил якунларига кўра, лизингга берилган мулкнинг таркибий қисми ўрганилганда, нархи бўйича юқори ўринларни эгаллаб келаётган лизинг объекти қишлоқ хўжалиги техникаси улушига тўғри келади. Лизингга берилган қишлоқ хўжалиги техникаси умумий қиймати 280 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этди(бозордаги улуши - 34,2 фоиз). 2013 йилга нисбатан қишлоқ хўжалиги техникаси улуши 2,8 фоизга қискарди.

Яъни 2013 йилда лизинг ҳажми 805,2 млрд. сўмга тенг бўлса, 2014 йилда ушбу кўрсаткич 21 млрд. сўмга ортган ва 826,2 млрд. сўмга етган.




2.1.1-расм. Лизинг битимлари ҳажмининг ўсиш динамикаси¹³

2014 йилда янги лизинг операциялари ҳажми ўтган йилга нисбатан 2,5%га ўсди. Агар 2013 йил учун лизинг ҳажми 805,2 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, жорий даврда 21 млрд.сўмга ўсиб, 826,2 млрд.сўмни ташкил этди. Ушбу кичик ўсиш бир катор сабаблар туфайли содир бўлди:

Биринчидан, лизинг компаниялари ва банклари сафидаги айрим лизинг берувчиларнинг фаолиятининг кутилмаганда тўхтатилиши;

¹³ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Ўзбекистон лизинг бозордаги етакчи бўлган «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниясининг лизинг битимларининг ўтган йилдаги 271,5 млрд. сўмдан жорий йилда 267,6 млрд.сўмгача қисқариши. Шунингдек пасайиш, «Ўзмелиомашлизинг» компанияси лизинг битимлар ҳам 2014 йилда ўтган йилга нисбатан 13,1 млрд. сўмга қисқарди., 2014 йилда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан банкларнинг янги лизинг битимлари ҳажмининг 11,3 млрд. сўмга камайиши ҳисобига.




2.1.2-расм. Лизинг битимлари портфели ўсиш динамикаси¹⁴

Жами лизинг битимлари портфели 2013йилга нисбатан 29,3%га кўпайиб, 2139 млрд.сўмни ташкил этди. 2014 якунлари бўйича лизинг бозорининг салмоқли улуши лизинг компанияларига - 71,7% тегишли бўлиб, улар томонидан амалга оширилган умумий битимлар қиймати 592,6 млрд.сўмни ташкил этди. Банкларнинг улуши фоиз ҳисобида кескин камайиб бормоқда.

Лизинг бўйича молиявий ижарага олинган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши, йўқолиши, ўғирланиши, шикастланиши, бузилиши ва барвақт эскириши хавфи билан боғлиқ бўлган тарздаги ҳар қандай етказилиши мумкин бўлган зарардан лизинг объектини суғурталаш тарафларнинг келишувига биноан суғурталанади. Бундай келишув

¹⁴ Манба:Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

бўлмаган тақдирда, лизинг олувчи лизинг объекти суғуртаси учун жавобгар бўлади.



2.1.3-расм. Янги лизинг битимида регионлар улуши¹⁵

Битимларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши. Мамлакат бозорида амалга оширилган лизинг операцияларининг деярли тўртдан бири қисми тўғри келган Тошкент шаҳри (24,3%) ва Тошкент вилоятини (11,13%) ҳисобга олмаганда, ҳудудлар миқёсида лизинг операциялари бир хилда тақсимланган.

2014 йил якунлари бўйича, лизингга берилган мол-мулк таркибини кўриб чиқиш жараёнида лизингга берилган мол-мулк орасида қишлоқ хўжалиги техникаси етакчидир. Лизингга берилган қишлоқ хўжалиги техникаси объектлари 280 млрд.сўмдан зиёдни ташкил этди (бозордаги улуши - 34,2%). 2013 йил билан солиштирганда, қишлоқ хўжалиги техникаси улуши 2,8%га камайиб, бу пасайишни 2014 йил 1 чорагида ТТЗ заводидан қишлоқ хўжалик техникасини етказиб бериш бўйича узилишлар билан боғлаш мумкин. Технологик ускуналар улуши эса 2013 йилга

¹⁵ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

(22,4%) нисбатан сезиларли ўсди ва 27,7%ни ташкил этди. Лизинг компаниялари ичида лизингга берилган технологик ускуналар ҳажми бўйича КК ЁАЖ «Ўзбек Лизинг Интернэшнл А.О.» (60 млрд.сум), ДЛК «Ўзмелиомашлизинг» (25,4 млрд.сум) ҳамда АТИБ «Ипотекабанк» (13,5 млрд. сум) етакчилик қилмоқда.

2.2 Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олиш учун ажратиладиган лизинг кредитлари

Ҳозирги кунда банклар томонидан амалга ошириб келинаётган ҳар бир лизинг келишувномалари миқдорларида асосан чекловлар мавжуд эмас. Лизинг лойиҳаларининг катта қисми қишлоқ хўжалигида амалга оширилиб келинмоқда. Буни қуйида банкларда кўрсатилган лизинг хизматларини соҳалар бўйича тақсимлашда яққол куриш мумкин.

«Халқ банки» томонидан 2014 йил давомида кўрсатилган лизинг хизматларини кўриб чиқадиган бўлсак жами 12 шартнома келишилган бўлиб 3020161,9 минг. сўмни ташкил қилади. Лизинг шартномалари бўйича берилган лизинг объектларининг 1таси бино ва иншоотларга берилган бўлиб қолган 11 таси транспот воситаларга берилган

Халқ банки томонидан ҳудудлар бўйича лизинг олувчиларнинг жойлашуви:

- Навоий 3 та суммаси 178618.8 минг сўмда
- Тошкент вилоят 1 та 32000,0 минг сўмда
- Тошкент шаҳар 8 та 2809543,1 минг сўмда

«Халқ банки» барча лизинг хизмати бозоридаги банклар каби мулкни лизингга бериш хизматларини жорий қилди. 2005 йил давомида 61,4 млн.сўмлик мулк 3 та субъектга лизинг асосида берилди: 65% кучмас мулк, 25% қишлоқ хўжалиги техникаси, 10% йўловчи автотранспорт.

Лизинг берувчи банк лизинг объектини сотувчидан келгусида унинг ўзига лизинг асосида фойдаланиш учун бериш мақсадида сотиб олган

тақдирда бир шахснинг ўзи ҳам лизинг оловчи, ҳам сотувчи бўлишига йўл қўйилади.

Тижорат банкларнинг лизинг бир вақтнинг ўзида молиялаш ва янги технологияларни харид қилиш масалаларини ҳал этиш, айланма маблағларни тўлдириш ҳамда бошқа эҳтиёжлар учун маблағларни озод қилиш имкониятини берувчи молиявий воситаларнинг энг муҳими ва асосийларидан биридир.

2.2.1-жадвал

Лизинг бозори иштирокчилари улуши¹⁶

2014 йил	
Лизинг компаниялари	Лизинг операциялари қиймати
-мол мулк нархи, млрд. сўмда	592,6
-улуши, фоизда	71,7
Банклар	
-мол мулк нархи, млрд. сўмда	233,6
-улуши, фоизда	28,3
Жами, мулк баҳоси, млрд сўмда	826,2

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, ҳозирда лизинг оловчилар сони кўпайгани сари лизинг берувчилар сони ҳам кундан-кунга ортиб бормокда. Йил якунларига биноан, лизинг операциялари ҳажмлари бўйича лизинг бозорининг яримидан ортик улуши лизинг компанияларига тегишли - 71,7 фоиз. Тижорат банкларининг лизинг операциялари ҳажми бўйича эса бўйича лизинг бозорининг 28,3 фоизини, яъни 233,6 млрд.сўмни ташкил этган. Бу эса тижорат банкларининг салмоғи кам бўлсада, лизинг бозорининг учдан бир қисмини эгаллашган шундан далолат берадикки, тижорат банкларининг лизинг операцияси билан фаолияти сезиларли даражада ўсиш тенденциясига эга.

¹⁶ Манба: “Банк ахборотномаси”газетаси , 2015 йил 30 апрелдаги сони

Лизинг хизматлари бозори юқори ўсиш салоҳиятига эга. Йилдан-йилга лизинг берувчилар бозоридаги рақобат ортиб бормоқда. Бу эса тақдим қилинаётган лизинг хизматлари сифатининг ошишидан далолат беради. Йил якунига кўра, аввалги йилнинг шу даврига нисбатан янги лизинг операциялари ҳажми ўсиш суръати 2,5 баробарга тўғри келади.

2.2.2-жадвал

Банкларнинг ТОП 5 лиги¹⁷

№	Банкларнинг номи	Лизинг операциялари қиймати
1	"Асака" ДАТБ	79,4
2	"Ипотека-банк" АТИБ	26,7
3	Давлат-тижорат Халқ банки	22,3
4	ЧЕКИ"Ҳамкорбанк" АТБ	16,4
5	"КДБ Банк Ўзбекистон" АЖ	14,7

Жадвални таҳлил қиладиган бўлсак, банклар орасида йил якунлари бўйича энг йирик лизинг берувчилари каторидан «Асака» банк (79,4 млрд. сўм), «Ипотека банк» (26,7 млрд. сўм), «Давлат-тижорат Халқ банки» (22,3 млрд. сўм), «ЧЕКИ Ҳамкорбанк» АТБ (16,4 млрд. сўм) ва «КДБ Банк Ўзбекистон» АЖ (14,7 млрд. сўм) ўрин олди. Бу эса тижорат банкларининг лизинг компанияларидан ортида қолмаётганлигидан далолат беради.

Лизинг шартномаси портфелининг жами қиймати 2013 йилга нисбатан 29,3 фоизга ўсди ва 2 трлн. 139 млрд. сўмни ташкил қилди. Яъни 2014 йилда лизинг битими портфелининг жами қийматининг ўсиши лизинг бозорида лизинг операцияларининг ижобий кўрсаткичларга эришаётганлигидан далолат беради.

2014 йил якунларига кўра, лизингга берилган мулкнинг таркибий қисми ўрганилганда, нархи бўйича юқори ўринларни эгаллаб келаётган

¹⁷ Манба: "Банк ахборотномаси" газетаси, 2015 йил 30 апрелдаги сони

лизинг объекти қишлоқ хўжалиги техникаси улушига тўғри келади. Лизингга берилган қишлоқ хўжалиги техникаси умумий қиймати 280 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этди (бозордаги улуши - 34,2 фоиз). 2013 йилга нисбатан қишлоқ хўжалиги техникаси улуши 2,8 фоизга қисқарди. Технологик ускуналарнинг улуши эса бироз ўсди ва 27,7 фоизни ташкил қилди, 2013 йил билан солиштирилганда (22,4 фоиз).

Технологик ускуналарни лизингга тақдим этишда етакчиликни қўлга киритаётган лизинг компаниялари орасида “Ўзбек Лизинг Интернешнл А.О.” АЖ ҚК (60 млрд.сўм), “Ўзмелиомашлизинг” ДЛК (25,4 млрд.сўм) ва “Ипотека-банк” АТИБ (13,5 млрд. сўм)лар бор.

Мамлақатимизда йилдан-йилга инвестициялар ҳажми ошган сари уларда лизинг операцияларининг улуши ҳам ортиб бормокда. Бу дегани лизингга бўлган талаб ўсиб боришда давом этмокда. Бу эса ўз навбатида, лизинг ёрдамида ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан қуроллантиришга, жаҳон стандартлари даражасидаги халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришга, ички истеъмол бозорларимизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга ва республика экспорт салоҳиятини янада оширишга замин яратади.

2014 йил якунларига кўра, “Ўзсаноатқурилишбанк” ажратган лизингларининг юқори улуши қишлоқ хўжалиги соҳасига тегишли, яъни 29,41 фоиз. Кичик бизнес, алоқа ва транспорт ва саноат соҳалари мос равишда 21,18%, 17,65 % ва 14,21 % улушни ташкил этмокда.

Лизингнинг муддати ёки тўғрироғи даври деганда - одатда лизинг шартномасининг ҳаракат муддати тушунилади. Бу даврда лизинг берувчининг балансида лизингга топширилган ишлаб чиқариш воситалари ҳисобда туради ҳамда лизинг олувчи ўзининг хўжалик фаолиятида лизинг компанияси томонидан ўрнатилган тўловларни тўлаб ундан фойдаланади. Лизингнинг бирламчи ва иккиламчи даврларини ажратишади. Лизингнинг бирламчи даврида - битим ҳаракатининг асосий даври тушунилади. Бунда лизинг олувчи лизинг компаниясига объектининг тўла амортизатсион

ажратмаларини ва ажратилган фоизларни тўла амалга оширмаган бўлади. Иккиламчи даврда лизинг олувчи лизинг фирмасига тўлик тўловни амалга оширади. Бироқ, лизинг фирмаси лизинг объектига эгалик қилиш ҳукукини бермаган бўлади. Лизинг олувчи асбоб-ускунани анъанавий ставкада фоиз тўлаган ҳолатда фойдаланишда давом этади. Бу каби лизинг муддатини узайтириш лизинг шартномасида албатта келишилган бўлиши керак. Назария бўйича лизингнинг иккиламчи даври вақт бўйича чекловларга эга эмас, бироқ, унинг муддати асбоб-ускунанинг ҳақиқий хизмат муддати билан чегаралангандир. Асбоб-ускунага кўп ва аҳамиятли эътибор қаратиш ва бузилганда ўз вақтида қайта таъмирлаш каби масалалар иккиламчи даврни номаълум муддатга узайишига олиб келиши мумкин.

Қуйидаги ҳолатларда тижорат банклари томонидан лизинг хизматлари кўрсатилмайди:

1. Зарар билан фаолият юритадиган ҳамда ноликвид балансга эга бўлган тадбиркорлик субъектларига;
2. Салбий кредит тарихига эга бўлганда;
3. Қиморхоналар ва биллиардхоналарни ташкил этишда лизинг объектини қўллаш кўзда тутилган ҳолларда лизинг хизматларини кўрсатишга йўл қўйилмайди.

Тижорат банкларнинг лизинг операцияларининг амалга оширилишида тузиладиган битим ёки шартномаларда анъанавий тижорат банкларнинг кредит операциялари ёки ташқи савдо шартномаларидаги олди-сотдиларга нисбатан - битимда қатнашаётган томонларнинг сонига тааллуқли ҳолатда уларга нисбатан сезиларли даражада кўпгина ўзига хосликлар ва турли-туман шарт-шароитлар юзага келади

Тижорат банкларнинг қишлоқ хўжалик техникаларини лизинг операциясини амалга оширишда лизинг компанияси доимо кўпгина ташкилий ишларни амалга ошириши лозим. Хусусан, лизинг компанияси самарали фаолият юритиши учун лизинг операцияларини кенг реклама

қилиши, лизинг олувчига унинг ютуқларини, фойдалилигини кўрсата олиши, ва тўғрироғи ишонтириши лозим.

Тижорат банклари қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг бўйича инвестицион лойиҳаларни экспертиза қилиш жараёнида маълум турдаги асбоб-ускуналарга бўлаётган талаб ва таклифни, бозор инфраструктурасини ва унинг асосий анъаналарини таҳлил қилиш лозим. Тижорат банкларнинг лизинг битимини тўртта босқичга ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчи босқичда, лизингнинг ҳар бир битимининг ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларининг тўлақонли таҳлили, лизинг муносабатларида қатнашадиган томонларнинг тавсифи ва шу каби омиллар муҳокама қилинади. Бу босқичда лизинг олувчининг аризаси расмийлаштирилади, миқдори кредитга лаёқатлилиги ҳақидаги ҳулосаси ва лизинг лойиҳасининг самарадорлиги ҳисоблаб чиқилади.

Иккинчи босқичда лизинг шартномасининг ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилиши амалга оширилади.

Учинчи босқичда лизинг жараёни - яъни, лизинг объектидан фойдаланиш даври бўлади.

Тўртинчи босқичда - лизинг олувчи томонидан лизингга берилган асбоб-ускуна қолдиқ қиймати бўйича сотиб олинади ёки лизинг олувчидан лизингга берилган асбоб-ускуна қайтарилиб олинади.

Лизинг шартномасини тугаллаш жараёни одатда қуйидаги давомийлигида давом этади:

1. Лизинг олувчи - ўзининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўзига керак бўлган асбоб-ускунани олишда ушбу асбоб-ускунани ишлаб чиқарувчи корхона ёки заводни топади, ундан тижорат таклифини олади ва ўзини қизиқтирган бир қанча масалалар бўйича маълумотлар олади. Буларга хусусан қуйидагилар киради:

- асбоб-ускунанинг сифати ва техник тавсифи;

- асбоб-ускунани ишлаб чиқариш даражасининг кувватининг муддатли лойиҳаси;
- етказиб бериш муддати, монтаж, ишга тушириш билан боғлиқ ишлар;
- тўлов шартлари ва шу кабилар.

2. Потенциал лизинг олувчи лизинг компаниясига асбоб-ускунани сотиб олишни ва унга қисқа, ўрта ёки узок муддатдаги даврга лизингга беришини сўраб мурожаат қилади.

3. Лизинг компанияси лизинг олувчи билан келишган нархини оқилоналигини ҳозирги бозордаги жорий нарх даражаси билан солиштиради ва агар нархлар мос келса кўрсатилган асбоб-ускунани олди-сотдиси бўйича битим тузади. Бунга лизинг компанияси лизинг объекти ўзига мулкый ҳуқуқини қўлга киритади.

4. Бир вақтнинг ўзида лизинг компанияси ва лизинг олувчи ўзи томонидан тузилган лизинг битимида лизингга берилган асбоб-ускунага эгалик қилиш лизингга олинган асбоб-ускуна учун тўловлари ўз вақтида амалга оширган тақдирда лизинг олувчига ўтади. Лизинг шартномаси тузилганидан сўнг, лизинг берувчи компания асбоб-ускунани ишлаб чиқарувчи корхона заводларга асбоб-ускунани лизингга олувчининг манзилига етказиш тўғрисида кўрсатма беради.

5. Лизинг олувчи ва асбоб-ускунани етказиб берувчи алоҳида тўлов тўлаш шarti билан асбоб-ускунани техник таъмирлаш ва унга керакли қўшимча эҳтиёж қисмларни етказиш ҳақида қўшимча битим имзолашлари мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, лизингга берилган кредитлар аввало, кредит таъминоти учун етарли маблағ бўлмаган тадбиркорларга ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун 40-50 гектар ери бўлган фермерларга, узок муддатга, имтиёзли фоизлар берилиши, мақсадли ишлатилиши, кредитнинг қайтарилмаслик хатари камлиги, иқтисодиётнинг реал тармоғига йуналтирилиши, янги иш

жойларининг очилиши ҳамда пировардида, иқтисодимиз ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатиши билан ажралиб туради.

Банк тизими томонидан миждозларга қишлоқ хўжалиги техникаси ва минитехнологиялар олиш учун хизматлар кўрсатилишини кенгайтириш, консалтинг ва инжиниринг хизмати кўрсатиш марказлари томонидан тадбиркорларга кўрсатилаётган хизматлар сифат даражасини ва ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикада лизинг хизматларига бўлган талаб асосан қишлоқ хўжалиги техникасига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш ускуналарига бўлган юқори талаб билан, айниқса фермер хўжаликларни кенг тус олиши ва уларнинг асосий воситаларини янгилашни зарурлиги билан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 476-сонли қарорига асосан зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истикболсиз ширкат хўжаликларини 2004-2006 йиллар давомида фермер хўжаликларига айлантириш ишлари амалга оширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 28 апрелдаги "Қишлоқ хўжалик корхоналарини давлат томонидан қўллаб қувватлаш бўйича қўшимча чоралар ҳақида" ги 172-сонли қарорига асосан қишлоқ хўжалик корхоналарини замонавий техникалар билан таъминлаш мақсадида «Ўзағромашсервис» уюшмаси корхоналари томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига сотиш учун хориждан келтирилаётган қишлоқ хўжалик техникалари 2006 йилгача қўшимча қиймат солиғидан озод қилинган. Лекин мазкур техникаларни банк орқали лизинг асосида қишлоқ хўжалик корхоналарига берилганда 20 фоиз миқдорида қўшимча қиймат солиғи тўланиши лозим, бу эса ўз навбатида лизинг тўловларига қушилади ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннарини кутарилишига сабаб бўлади.

Тижорат банкларида лизинг амалиётини кенг қўлланилиши оқибатида бозор иқтисодиётининг рақобат муҳитида банк хизматлари турлари кўпаяди. Бу билан мижозлар сони кўпайиб, банкнинг уларга бўлган таъсир этиш доиралари кенгаяди. Энг муҳими янги даромад манбаига эга бўлишига олиб келади.

Лизинг операциялари банк бизнесида кенг татбиқ этила бошланди, чунки улар тижорат банклари учун бир қатор муҳим афзаллик келтиради:

- мазкур банк тузилиши аниқ таъминотга эга бўлади;
- лизинг операциялари ва у билан боғлиқ хизматлар мунтазам кенгаяди;
- лизинг ёрдамида мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш имкони туғилади ва бу билан мижозлар доираси кенгаяди;
- ўз ишлаб чиқариш фондини янгилашга муҳтож мижозлар билан сифат жиҳатдан янгича шериклик муносабатлари ўрнатилади.

Банк учун лизинг операциясининг афзаллиги шундан иборатки, унинг самарадорлиги етарли даражада юқори бўлади. Лизинг тўловлари орқали банк лизинг олувчиларга кўрсатган хизмати учун комисион тўловлар олиш ҳисобига ўз даромадини тўлдиришнинг сифат жиҳатдан янги манбаига эга бўлади. Бундан ташқари, тижорат банки, лизинг бизнесини ривожлантириб, узоқ муддатли кредитлаш операциясига қараганда лизинг операциялари ҳисоби нисбатан соддалиги туфайли маблағ тежаши мумкин. Шу билан бирга жаҳон тажрибаси кўрсатадики, лизинг операциялари риск даражаси етарлича бўлган банк операциялари қаторига киради.

2.3 «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси қишлоқ хўжалиги асосий воситаларини модернизациялашдаги ўрни

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрьдаги 486-сонли қарори асосида ташкил этилган бўлиб, ўз

фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли қарори билан тасдиқланган “ТАРТИБ” асосида юритади.

Компаниянинг асосий вазифаси - қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарга қишлоқ хўжалик техникаларини лизингга етказиб беришдан иборат.

Республиканинг барча вилоят марказлари ва Қорақалпоғистон Республикасида Компаниянинг 13 та ҳудудий филиаллари ва 1 та шуъба корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси лизинг муносабатларини ривожлантириш ва уни кенг йўлга қуйиш учун хўжалик субъектларининг тўлов қобилиятини кучайтириш, қайта молиялаш, ставкаларини пасайтириш каби муаммоларни қуяди. Асосий вазифа эса лизинг инфраструктурасини ривожлантиришдадир. Лизинг компаниялари Ўзбекистон ҳудудининг турли бурчакларида ташкил этилиши зарурдир. Лизинг компанияларининг фаолият юритиши учун қулай иқтисодий муҳит яратиш, биринчи навбатда лизинг фаолиятини солиққа тортиш, икки маротаба солиққа тортишнинг олдини олиш, қўшилган қиймат солиғини бекор қилиш, хориждан олиб келинадиган ускуналар, лизинг асосида келтирилса, бож тўловларидан озод этиш муаммолари ўтиш даврининг асосий муаммолари эди. Умуман олганда, лизинг тармоғини ривожланиши иқтисодий ривожланишга бир неча йўналишлар бўйича таъсир кўрсатади:


➤ лизинг кичик бизнеснинг келгусидаги ривожланишига таъсир этади. Чунки, қандайдир сабабларга кўра бошқа молиялаштириш манбаларига эга бўлмаган кичик корхоналарга ўз ишлаб чиқаришларини ташкил этиш ва модернизация қилиш имкониятини яратиб беради;

➤ лизинг узоқ муддатли молиялаштиришнинг қўшимча тури бўлиб, у капитал қўйилмалар ҳажмини оширади;

➤ лизинг молиявий хизмат кўрсатиш бозорида кўшимча рақобатни вужудга келтиради.

лизингнинг пайдо бўлиши билан молиялаштириш нархи пасайиб, молиявий хизмат бозор и кенгаяди. Иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда лизинг кўп вақтларда асосий воситалар харид қилиш учун кредит ўрнига муқобил восита бўлиб хизмат қилган ҳолда, корхоналарга банк олдидаги қарздорлигини кўпайтирмаслик имкониятини яратади.


Мамлакатимизда бўлаётган иқтисодий ўсишлар қишлоқ жўжалиги ва бошқа соҳалардаги ижобий ўзгаришлар натижасида «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АЛК нинг ўрни ва солмоғига мурожат қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 16 апрелдаги «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АЛК капиталлашув даражасини янада ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ компаниянинг устав фонди миқдори 10,9 млрд. сўмдан 50 млрд. етказиши белгиланганди. 2015 йил 1 январь ҳолатига компаниянинг устав капитали 51,9 млрд. сўмга етди ва 2014 йил бошига нисбатан 1,9 млрд. сўмга кўпайди.



2.3.1-расм. "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" АЛК 2010-2015 йилларда лизинг операциялари ҳажмларининг ўзгариши (млрд. сўмда)¹⁸

¹⁸ Манба «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АЛК нинг 2014 йил йиллик ҳисоботида асосан магистр томонидан таёрланди.

2014 йилда компания томонидан асосий эътибор техника сони емас, балки сифати, юқори унумли қишлоқ хўжалик техникаларини лизинг асосида етказиб беришга қаратилган. 2012 йилда 164,2 млрд. сўмлик қишлоқ хўжалик техникалар лизинг асосида етказиб берилган бўлса, 2014 йил давомида 267,6млрд. сўмлик техника лизинг асосида берилди.



2.3.2-расм. "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" АЛК компания томонидан 2010-2015 йилларда етказиб берилган техникалар сонининг ўзгариш динамикаси¹⁹ (дона)

Компания томонидан 2010-2014 йилларда етказиб берилган техникалар сонининг ўзгариш динамикасида 2014 йилда 4415 та техника лизингга етказиб берилган, бу ўтган йилга нисбаттан 795 тага кам. "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" АЛК томонидан сонига емас, сифатига алоҳида еътибор берилган.

Лизингни пайдо бўлиши билан молиявий хизмат бозори кенгаяди. Иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда лизинг асосий воситаларни сотиб олиш учун кредит урнига муқобил восита бўлиб хизмат қилган ҳолда корхоналарга банк олдидаги қарздорлигини кўпайтирмаслик имкониятини яратади.

¹⁹ Манба «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АЛК нинг 2014 йил йиллик ҳисоботида асосан муаллиф томонидан таёрланди.

2.3.1-жадвал

**2014 йилда "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" АЛК компания
томонидан лизингга етказиб берилган қишлоқ хўжалиги техникаси
тўғрисида солиштирма таҳлил²⁰**


№	Вилоятлар	Жами техникалар				2013 йилга нисбатан ўсиш суръати% ҳисобида	
		2013 йил		2014 йил			
		сони дона	сони дона	сони дона	суммаси, млн сўм	сони дона	суммаси, млн сўм
1	Қорақалпоғистон Республикаси	234	11982,3	213	13043,8	91	108,9
2	Андижон	225	17714,3	239	12438,6	106	70,2
3	Бухоро	499	13423,1	347	19555,5	69,5	145,7
4	Жиззах	382	28368,7	337	23219,4	88,2	81,8
5	Қашқадарё	452	24020.6	354	22562,3	78,3	93,9
6	Навоий	217	13169,1	212	10327,4	97,7	78,4
7	Наманган	256	17582,5	253	16271,8	98,8	92,5
8	Самарқанд	406	16743,5	466	21881,9	115	130,7
9	Сурхандарё	645	26980,2	674	24176,8	105	89,6
10	Сирдарё	491	23678,2	330	26502,9	67,2	111,9
11	Тошкент	624	30299,6	428	30958,4	68,6	102,2
12	Фарғона	403	24349,8	358	24984,6	88,8	102,6
13	Хоразм	376	19046.2	204	21717,2	54,3	114
	жами	5210	267358	4415	267641	84,7	101,1

²⁰ Манба «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АЛК нинг 2014 йил йиллик ҳисоботида асосан муаллиф томонидан таёрланди.

Жадвалдан шуни хулоса қилиш мумкинки, компания томонидан лизингга, 2013 йилда 5210 та Қишлоқ хўжалик техникани суммаси 267358 (млн. сўм) га тенг техникани Қорақалпоғистон Республикаси ва ўн иккита вилоятга лизинг асосида етказиб берилган. Вилоятлар кесимида оладиган бўлсак, Сурхандарё вилояти 645 та қишлоқ хўжалик техника, суммаси 26980,2 (млн. сўм) да билан етакчи ўринда бўлган бўлса, 2013 йилда вилоятлар кесимида энг паст кўрсаткич Навоий вилоятига тўғри келган 217 та, суммаси 13169,1 (млн. сўм).га тенг. 2014 йилда 4415 дона суммаси 267641(млн. сўм)га тенг қишлоқ хўжалик техникасини, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, меҳнат унимини ошириш, меҳнат қийинчилигини камайтириш ва қишлоқ хўжалигининг моддий техник базасини яхшилаш мақсадида лизинг асосида етказиб берилган бўлса, бу кўрсаткич ўтган йилига нисбатан техникалар сон жиҳатдан 795 тага кам, лизингга техника етказиб берилган.Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, компания томонидан сонга емас сифатга еътибор берилаётгани, ҳамда Ўзбекистон лизинг бозорида лизинг хизматларининг кенгайиши натижасида бир хил вазифани емас балки, қишлоқ хўжалигида бир неча хилда вазифаларни бажарадиган техникаларни лизингга етказиб бериши аҳамиятли. Натижада, қишлоқ хўжалигида айрим техникаларга бўлган талаб пасайиб, 2014 йилда техникалар сони жиҳатидан камайган.

"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг"АЛК компаниянинг активларини кўриб ўтадиган бўлсак, йилдан-йилга ўсиш тенденциясида кетаётганини биламиз. Биргина мисол 2010 йилда 286,7 млрд. сўм бўлан бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 727,4 млрд. сўмдага тенг бўлган бўлса, 5 йил мабойнида 440,7 млрд.сўмга ўсганлигини кўришимиз мумкин. Биргина ўтган йили мисолида оладиган бўлсак, 578,2 млрд сўм га тенг бўлган, бу еса лизинг компаниянинг активлари 1 йил ичида 149,2 млрд. сўмга ошанлигини кўрсатади. Бундан хулоса қилишимиз мумкинки, 2010 йилдан hozirги кунга кадар "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг"АЛК компаниянинг

активларини ушиб кишлок хужалигини риожлантиришда ижобий натижаларга еришмоқда.




2.3.3-расм. Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг"АЛК компания активларининг 2010-2015 йилларда ўзгариши, млрд. сўмда диаграмма²¹

Лизинг хизматлари кўрсатишдан олинadиган тушумлар 2013 йилда 27,7 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 40,0 млрд. сўмни ташкил қилди. Соф фойда ўтган 2013 йилда 4,2 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, ҳисобот даврида 10,4 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилига нисбаттан 6,2 млрд.сўмга кўп бўлди. Келтирилаётган рақамлар компания молиявий кўрсаткичларининг юқори тезлик билан ўсганлигидан далолатдир.

Лизинг хизматлари кўрсатишдан олинadиган тушумлар 2013 йилда 27,7 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 40,0 млрд. сўмни ташкил қилди. Соф фойда ўтган 2013 йилда 4,2 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, ҳисобот даврида 10,4 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилига нисбаттан 6,2 млрд.сўмга кўп бўлди. Келтирилаётган рақамлар

²¹ Манба «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АЛК нинг 2014 йил йиллик ҳисоботида асосан муаллиф томонидан таёрланди.

компания молиявий кўрсаткичларининг юқори тезлик билан ўсганлигидан далолатдир.



2.3.4-расм. "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" АЛК лизинг хизматлари кўрсатишдан олинadиган тушумларининг 2010-2015 йиллардаги ўзгариши, млн. сўмда диаграмма²²

Компания анча сезиларли корпоратив бизнесга ега бўлиб, нафақат қишлоқ хўжалик корхоналари балки, фермерлар, МТП, ММТП, «агротехсервис»лар, унинг доирасида турли тармоқ ва мулкчилик шаклидаги хўжалик органларига, жумладан «Ўздонмахсулот» компанияси, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Қишлоқхўжаликкимё» АЖ корхоналарига лизинг хизмати кўрсатмоқда. Компания анча сезиларли корпоратив бизнесга ега бўлиб, нафақат қишлоқ хўжалик корхоналари балки, фермерлар, МТП, ММТП, «агротехсервис»лар, унинг доирасида турли тармоқ ва мулкчилик шаклидаги хўжалик органларига, жумладан «Ўздонмахсулот» компанияси, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Қишлоқхўжаликкимё» АЖ корхоналарига лизинг хизмати кўрсатмоқда.

Бундан ташқари "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" АЛК компания томонидан нафақат қишлоқ жўжалигини янги техникалар ва технологиялар

²² Манба «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АЛК нинг 2014 йил йиллик ҳисоботида асосан муаллиф томонидан таёрланди.

билан тaминлaшдa ўзининг ҳиссaсини кўшмoқдa бaлки, қишлоқ хўжaлик тeхникaларни ишлaб чиқувчи корхoнaлар вa зaвoдлaрдa ишлaб чиқaрилгaн тeхникaларни лизинг aсoсидa ускунaларини сoтилишигa ёрдaм бeрaди. "Ўзқишлоқхўжaликмaшлизинг" AЛК кoмпaния пaйдo бўлиши ускунaларни ишлaб чиқaрувчи мaҳaллий кoмпaниялaргa ўз ускунaларини сoтиш учун янги имкoнийтлaр ярaтaди. Тaъминoтчи корхoнaлар вa зaвoдлaр- «Ўзкейсмaш» ҚҚ, «Лeмкeнт Чирчик» МЧЖ ҚҚ, «Мeхмaш» AЖ, «ЎзКeйсТрaктoр» ҚҚ, «UzClass Agro» МЧЖ, «Тoшкeнт қишлоқ хўжaлик тeхникaлари зaвoди» AЖ, «Aгрeгaт зaвoди», « Ургeнч oзукaмaш» AЖ, «Чирчик қишлоқ хўжaлик тeхникaлари зaвoди» AЖ «Aгрихим» зaвoди вa бoшқaлар билaн мoлиявий муносабaтлaрдa хaмкoрлик қилиб кeлмoқдa.

2013 йил жaмғaрмa ҳисoбидaн 1487тa тeхникa суммaси 143471,5 млн. сўм, кoмпaния мaблaғлари вa бaнк кpeдити ҳисoбидaн 3723 суммa си 123886,5 млн.сўм бўлгaн бўлсa, 2013 йилдa кoмпaния мaблaғлари вa бaнк кpeдити ҳисoбидaн, жaмғaрмa ҳисoбигa нисбaтaн 2236 тa тeхникa кoмпaния вa бaнк кpeдитлари ҳисoбигa кўп бўлгaн бўлсa, 2014 йилдa жaмғaрмa вa кoмпaния мaблaғлари ҳисoбидaн хaм кaмaйгaн. Oққўрғoн тумaни “Хaнтeмир” фeрмeр хўжaлигининг лизинггa тeхникa олиш бўйичa тaқдим этгaн “Бизнeс-рeжaси” сaмaрaдорлиги вa хўжaлик мoлиявий-иқтисoдий aҳвoлининг тaҳлили бўйичa Экспeрт хулoсaсини кўриб чиқaмиз.

Экспeр кeнгaши aъзoси сўзгa чиқиб: Oққўрғoн тумaни «Хaнтeмир» фeрмeр хўжaлиги тoмoнидaн 1 дoнa “TD 5-110” русумли хaйдoв трaктoрини лизинг шaртлари aсoсидa олиш учун тaқдим этгaн хужжaтларини ўргaниб чиқиб рўйхaт бўйичa бaрчa хужжaтлари мaвжудлигини тaсдиқлaш мумкин.

“Хaнтeмир” фeрмeр хўжaлиги 1 дoнa “TD 5-110” русумли хaйдoв трaктoрини 5 йиллик муддaтгa лизинггa олиш учун буюртмa бeргaн вa “Лизинг oпeрaцияларини ўткaзиш Низoми”дa бeлгилaнгaн хужжaтларни тўлиқ тaқдим этгaн.

Хўжалик ўтган (2014) йилги фаолияти натижасига кўра 837 053,0 минг сўм даромад, 268 083,1 минг сўм соф фойда олган. Рентабеллик (соф фойданинг даромадга нисбати) 32,0 % га тенг, бухгалтерлик баланси актив қисмида корхонанинг кассадаги ва банкнинг ҳисоб ракамдаги маблағлари, қисқа муддатли қимматли қоғозлар, 11 674,1 қисқа муддатда сотиладиган товарлар, дебитор қарз ва депозитлар 21 699,5 минг.сўм, узоқ муддатда сотиладиган маҳсулотлар ва материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш 238 510,5 минг.сўм, узоқ муддатда сотиладиган, бино ва иншоотлар, транспорт воситалари 783 598,0 минг сўмни ташкил этади. Баланснинг пассив қисмида кредитор қарз ва қисқа муддатли мажбуриятлар 27 523,9 минг.сўм , қисқа муддатли пассивлар, қисқа муддатли кредит ва қарзлар мавжуд эмас. Доимий пассивлар, ижара мажбуриятлари ва қарздорликдан ташқари хусусий воситалар 867 984,4 минг.сўмни ташкил этади. Тўлов қобилиятини баҳолаш коэффициентлари бўйича 2-синфга киради.

Олинган соф фойдаси 1 дона “TD 5-110” русумли хайдов трактори учун бир йил мобайнида тўланадиган лизинг тўлови (31 015,0 минг сўм) суммасига нисбатан 755,5 фоизга кўп.

Бизнес режада кўрсатилган «Хантемир» фермер хўжалиги асосан чорвачилик билан шуғулланади сут ва гўшт маҳсулотлари етказиб беради, 540 тонна сут топшириб 1 200 000,0 минг сўм , 15 тонна гўшт топшириб 200 000,0 минг.сўм даромад олишни режалаштирган. Хўжалик жами 1 400 000,0 минг.сўм даромад олишни режалаштирган. Хўжаликнинг қўшимча фаолият тури ва қўшимча оладиган даромад манбаси мавжуд. Молиявий барқарорлик бўйича 1- тоифага киради.

Хўжалик 1 дона “TD 5-110” русумли хайдов тракторини лизингга олиш учун аванс маблағини ўз маблағи ҳисобидан тўлайди. 2015 йил учун тўланиши лозим бўлган лизинг тўловларини гўшт ва сут сотиш ҳисобидан тўлаб беришни режалаштирган. Лизинг муддатининг кейинги йилларида ҳам ушбу механизм асосида тўлов амалга оширилади.

Таҳлил натижаларига кўра фермер хўжалигини тўлов қобилиятини баҳолаш коэффициентлари бўйича (коплаш, ликвидлик ва мустақиллик) 3-синфга, молиявий-иқтисодий таҳлил натижаси бўйича 1-тоифага киради деб ҳисоблайман. “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси Тошкент вилоят филиали Эксперт кенгашининг йиғилиш БАЁНИ Оққўрғон тумани “Хантемир” фермер хўжалигининг лизингга техника олиш бўйича хўжжатларни тақдим қилганидан сўнг эксперт кенгаши лизингга техника олишга рўхият беради.

II боб бўйича хулоса

Диссертация тадқиқотининг иккинчи бобини бажариш жараёнида амалга оширилган таҳлилларнинг натижаларига таянган ҳолда, қуйидаги илмий хулосаларни шакллантирдик:

- Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини лизинг асосида молиялаштириш бугунги кунда лизинг компаниялари ва тижорат банклари тамонидан амалга оширилмоқда. Таҳлил натижаларига қарайдиган бўлсак Ўзбекистонда лизинг бозори кенайиб лизинг хизматлари ортиб қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлар ривожланиди. Лекин, кези келганда айтиш керакки, лизинг амалиёти ва унинг турли жиҳатлари ҳали Ўзбекистонда тўла шаклланиб ривожланиб улгургани йўқ.

- Лизинг компаниялари тамонидан берилаётган кредитларнинг асосий қисмини уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилаётганлиги тижорат банклари тамонидан лизинг компанияларини кредитлаш амалиётининг такомиллашмаганлиги билан изоҳланади ва лизинг компанияларининг кичик бизнес субъектлари фаолияти ва қишлоқ хўжалигини лизинг асосида молиялаш имкониятини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

- Бундан хулоса қиламизки, Аҳоли турмуш даражаси яхшиланиб, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, саноат ва қишлоқ хўжали тармоқлари яхши ривожланмоқда. Республикамизда пахта ва дон экинларига давлат

буюртмаси ўрнатилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 31 декабрдаги ПФ-2165-сонли фармонида мувофиқ фермер хўжаликлари давлат буюртмаси ҳажмидаги етиштираётган маҳсулот қийматининг 50 фоизи миқдорида Молия Вазирлигининг “Давлат эҳтиёжлари учун харид этиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси” маблағлари ҳисобидан аванс пули (транш) олиш имкониятига эга. Бунинг ижобий томони шундаки, фермер хўжаликлари маҳсулот етиштириш учун зарур бўлган айланма маблағларни юқори фоиз ставкаларида тижорат банкларидан қарзга олишга мажбур бўлмайди.

-Қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётганлар қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари таъсирида доимий равишда молиявий маблағларга эҳтиёж сезадилар. Чунки, экинларни экиш ва парваришlash даври узоқ давом этиб, ҳосилни йиғиб олгунга қадар пул тушуми бўлмайди. Тадқиқотнинг иккинчи бобида амалга оширилган таҳиллар натижаси шуни кўрсатадики, республикада лизинг компаниялари ва тижорат банкларининг маълум қисмида лизинг кредитлари фоизларининг юқорилиги лизинг кредитлари ҳажмининг ошишига тўсқинлик қилмоқда.

- Республикада тижорат банклари ва лизинг компаниялари депозит базасининг етарли эмаслиги, минтакаларда қишлоқ хўжалигини лизинг асосида молиялашнинг ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин. Лизинг хизматлари кейинги пайтларда ўзининг етарлича ривожланиш тенденцияларига эришиб келмоқда.

Лизинг сўнгги пайтлардаги ривожланиш суратлари бутун кредит ва суғурта хизматларининг ривожланиш суратларидан юқорироқдир. 2014 йилда лизинг хизматларининг ЯИМ даги ҳиссаси 0,6 % ни ташкил қилди. Аксарият тижорат банкларининг лизинг инструментини иқтисодиёт эҳтиёжларини молиялаштиришда фойдаланиши ўзига хос ҳолатдир.

**III-БОБ. Ўзбекистон Республикаси лизинг муносабатларини
ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда халқаро лизинг
тажрибасини ўрганишнинг аҳамияти**

**3.1 Ўзбекистонда лизинг муносабатларини такомиллаштиришда
хориж тажрибасини ўрганишнинг аҳамияти**

Лизинг муносабатларини янада ривожлантириш йўлида тадбиркорлар ва қишлоқ хўжалиги учун қулай бўлган лизинг хизматларини яратиш ҳамда уларга шу йўл орқали янги замон талабларига жавоб берадиган техника ва технологияларни етказиб бериш лозим.

Халқаро амалиётда лизинг ўзининг бошқа турдаги инвестициялардан қулайлиги билан бирмунча ажралиб туради. Шундай қулайликка эга бўлган лизинг турларидан бири бу “дабл дин” бўлиб унинг афзаллиги икки ва ундан ортиқ давлатларнинг солиқ имтиёзларидан яхлит фойдалана олиш имконияти билан изоҳланади. Масалан, 80-йилларда халқаро лизинг амалиётида қатор самолётлар айнан “дабл дин” асносида лизингга берилган. Бу жараён АҚШ ва Буюк Британия ўртасида амалга оширилган. Агарда лизинг берувчи мулк ҳуқуқида бўлган ҳолатда Буюк Британия солиқ тизимига кўра бирмунча қулайликлари мавжуд бўлган, АҚШ солиқ тизимига кўра лизинг берувчи бундай ҳолатда зарар кўрган, уларда лизинг берувчи кўп жиҳатдан мулкни бошқариш ҳуқуқида бўлиши иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланган. Шундай қилиб лизинг компанияси Буюк Британиядан самолётларни сотиб олишган ва уларни АҚШ лизинг компанияларига лизинг ва ижарага беришган, улар ўз навбатида маҳаллий ҳаво йўлларига бу самолётларни лизингга беришган. Кузатув таҳлиллар асосида шуни таъкидлаш мумкинки, бугинги кунда бу турдаги лизингдан Франция ва Германия, АҚШ ва Франция, Япония ва АҚШ каби давлатлар ва бошқа кўплаб мамлакатлар фойдаланишлари мумкин.

2014 йилда Европада кўчмас мулк лизинги 163 млрд. евро миқдоридаги ҳажмда бўлиб (бу 2013 йилга нисбатан 18 фоиз кўпроқ), шу

даврдаги ускуналар лизинги ҳажми ўзгармаган ҳолда 130 млрд. еврони ташкил этди (2013 йилга нисбатан 0,45 фоизга ўсган) .

Европадаги жами асосий воситалар инвестициялари ҳажмида лизинг 12,5 фоизни ташкил қилади. Бироқ бу кўрсаткич мамлакатлар бўйича турлича бўлиб, Голландияда 6,3 фоизни ташкил этса, Италияда 6,7 фоизга тенг.

Европада компьютер ва офис ускуналари лизинг операциялари ўртача 12,5 фоизга тенг ва 4 фоизи йирик ҳамда қимматли мулклар ҳамда қимматли самолётлар, кемалар ва шу кабилар улушига тўғри келади. Лизинг олувчилар фаолият турлари бўйича лизинг бозори таҳлили шуни кўрсатадики, лизингдан ҳамма турдаги корхоналар фойдаланади. Ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари билан биргаликда қурилиш ва хизматлар кўрсатиш соҳалари вакиллари ҳам лизинг олувчилар сирасига киради. 2014 йилда хизмат кўрсатувчи соҳалар сирасига жами ускуналар лизингининг 50 фоизи тўғри келган.

Хорижий мамлакатларда лизинг бозори 2014 йил якунлари бўйича:

- Японияда лизинг амалиётлари ҳажми 42,0 млрд. АҚШ долларини (4,9 трлн.иен) ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 0,3 % га ўсишган
- Европа мамлакатларида ўтган йилнинг шу даврига солиштирилганда 0,6 % га қўпайиб, 243,0 млрд.евро
- Россияда 1,300 трлн. рублни ташкил этди, ўсиш 0 %. 2014 йилда темир йўл техникалари ва авиатранспортда мос равишда 48,9 ва 48,5 % га камайиш кўзатилган.
- АҚШда «White Clark Group» тадқиқот компанияси маълумотларига асосан ускуна ва техникаларни молиялаштириш 8 % га ошиб, 257,0 млрд.евро
- Хитойда амалга оширилган лизинг битимлари 350,0 млрд.евро
- Хитой лизинг бозори дунё миқёсида энг ривожланиб бораётган йирик бозор бўлиб, 2017 йилга лизинг битимлари 800,0 млрд.еврога етиши тахмин қилинган.

Кейинги йилларда ишлаб чиқарувчи ва лизинг компаниялари ўртасида битимлар тузиш кенг қўламли тус олиб улгирмоқда. Бундай келишувларга таянган ҳолда ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини сотиш билан бирга лизингга тақдим этмоқда. Бу ўз навбатида унинг савдо доирасини янада кенгайтиришига сабаб бўлаётган бўлса, лизинг ташкилоти бу ҳолатда ишлаб чиқарувчининг савдо тармоқлари орқали лизингни йўлга қўйган бўлиб бу турдаги лизинг йўналиши “савдога кўмак” (sales-aid) номини олган.

Маълум ҳудудларда лизинг операцияларининг тармоқ таркиби шаклланиши кўп жиҳатдан ўзига хосликка эга бўлади. Мисол учун Европада автомобил лизингги кенг қўлланилади, хусусан шахсий автомобиллар билан бир қаторда саноат ишлаб чиқариш учун махсус бўлган автомобиллар шулар таркибидандир. Бугинги кунда Европа лизинг бозорининг 50%гача бўлган хажми айнан автомобилларга тўғри келмоқда. Бозорнинг қолган қисми ишлаб чиқариш техника-технологиялари, денгиз кемалар лизинги, самолёт, компьютерлар ва бошқалар шулар жумласидандир. Бироқ лизинг тушунчаси таркибига Европада молиявий ижара ва оператив ижара тушунчалари киритилган. Оператив ижара бу ижаранинг оддий кўриниши эканлигини ҳам инобатга олиш лозим. Хусусан Россияда фақат молиявий ижарага лизинг сифатида қаралади.

Ҳозирги кунга келиб юқорида қайд этилган муаммолар аста-секин ҳал этилмоқда, лекин лизинг операцияларини кенгайтиришга қўйидаги омиллар қарама-қарши таъсир этмоқда:

- солиқ сиёсатининг тўхтовсиз ўзгариши;
- кўшни мамлакатлардаги сиёсий нотинчлик;
- кредит ресурсларининг етишмаслиги;
- лизинг фирмаларининг камлиги, уларнинг доимий ҳаракатланиши учун ҳуқуқий базанинг такомиллашмаганлиги;
- лизинг фирмаларида хизмат қилувчи кадрларнинг етишмаслиги.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этилиши бевосита қишлоқ хўжалигида чет эл техникасини қўллаш ва чет эл инвестициясининг оқиб келишига йўл очиб беради. Чет эл техникасини бизнинг қишлоқ хўжалигида лизинг шакли орқали қўлланилиши экспортли лизинг деб аталади.

Экспортли лизинг - бу чет эл лизинг компаниялари томонидан ёки фирмалари ишлаб чиқариш воситаларининг бошқа бир давлат ижарачиларига тақдим этишдан иборатдир.

Шарқий Европада ишлаб чиқариш соҳасига йуналтирилган инвестицияларнинг 20%идан ортиқ қисми лизинг асосида амалга оширилмоқда. Шу ўринда такидлаш жоизки, Шарқий Европада амалга оширилаётган лизинг операцияларининг 78% Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Испания, Нидерландия, Польша ва Швеция каби мамлакатларга тўғри келади, ғарбий Европа мамлакатлари бўлмиш Венгрия, Чехия, Словакия ва қатор бошқа давлатлар, шу жумладан МДХ мамлакатларининг бозор иқтисодиёти тизимига ўтиши лизингнинг халқаро даражада янги поғонага кутарилиши учун замин яратмоқда.

АҚШ лизинг бозорлари ҳажми, Шарқий Европа мамлакатларининг жами лизинг операцияларидан бирмунча юқорилиги ва нисбатан ривожланганлиги билан характерли ҳисобланади. Шарқий Европа ва АҚШ мамлакатларида лизингнинг кучли ривож топиши бу ҳудудларда (шарқий Европада 1960-йиллардан бошлаб, АҚШда 1950-йиллардан) тадбиркорлик фаолиятларининг кўп жиҳатдан қўллаб қувватланганлиги ва бу тармоққа киритилаётган инвестицияларнинг катта қисми лизинг механизми орқали амалга оширилганлиги билан изоҳланади. Албатта лизингдан фойдаланиш учун имтиёзли солиқ тизими бўлиши шарт эмас, бугунги жаҳон амалиёти солиқ тизимининг ўзи унинг ривожланиши учун етарли эканлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатда лизингнинг ривожланиш даражасини кўрсатувчи омиллар:

- Норматив қонун базаси;

- Макроиктисодий шароит, инвестицион бозор ҳолати (инвестицион имтиёзлар, банк фоиз ставкаси, солиққа тортиш механизми, инфляция ва бошқалар);

- Бухгалтерия ҳисоб тизимидан фойдаланиш;

Шарқий Европанинг айрим мамлакатлари (Буюк Британия, Германия, Дания) лизингни тартибга солишнинг махсус қонунларини қабул қилишмаган, у оддий “тижорат ҳуқуқи” (“коммерческое права”) асосида тартибга солиб турилади. Франция, Португалия, Швеция давлатларида лизинг муносабатлари махсус қонунчилик билан тартибга солинади.

Франция, Бельгия ва Италия давлатлари иқтисодий нуқтаи назардан мулкдор (опцион лизингнинг шарт бўлган белгиси) консепсиясига таянишади. Бошқа давлатларда (Буюк Британия, Ирландия, Голландия, шунингдек АҚШ) эса лизинг муносабатлари юридик нуқтаи назардан мулкдор консепсиясига таяниб иш кўришади. Яна бир гуруҳ давлатлар ўзининг қонунчилигида ушбу иккала консепсияни мужассам қилган. Бельгия, Италия ва Франция давлатларида лизинг шартномаси муддатининг тугаши билан лизинг объекти лизинг шартномасида келишилган нархда сотилиши шарт ҳисобланади (опцион), Буюк Британия ва АҚШда опцион операцияси лизингнинг шартли белгиси ҳисобланмайди, шартномада келишилган ҳолда лизинг муддати тугаши билан лизинг объектини қайтариш ёки сотиб олиш мумкин.

Германия, Швецария давлатларининг қонунчилиги опцион операцияларини олди-сотди механизми асосида лизинг объекти тўловларни “махсус бўлиб тўлаш” йўли билан амалга ошириш имконини беради. Яъни тўғридан тўғри томонлар ўртасида лизинг муносабатлари ўрнатилган ҳолатда лизинг объекти лизинг берувчига қайтарилса, олди-сотди механизми асосида тўловларни “махсус бўлиб тўлаш” йўли билан амалга оширилса лизинг объектининг эгалик ҳуқуқи келишув имзоланган пайтдан бошлаб лизинг олувчига ўтади.

Франция ва Буюк Британияда кўплаб келишувларга лизинг сифатида қаралади, Германияда эса бу келишувлар ижара механизми сифатида қаралиши мумкин. Францияда лизинг шартномасида унинг муддати тугагач опцион (лизинг объектини қолдиқ нархида сотиб олиш ҳуқуқи) операциясини амалга ошириш шартлиги уни ижара-кредит келишувлари қаторига кўшади. Шуниси эътиборлики ижара-кредит муносабатлари лизингдан фарқли равишда давлат томонидан ўзига хос қонунчилик асосида тартибга солинади. Давлатлар ўртасидаги бундай фарқ улар ўртасида “дабл дин” операцияларини амалга ошириш имконини беради.

Бугунги кунда Франция қонунчилиги ишлаб чиқарувчига маҳсулотини лизингга бериш имкониятини қолдирмаган.

Лизинг муносабатларини давлат томонидан тартибга солишда ҳар бир давлат ўзига хос бўлган хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради. Лизингга банк фаолиятининг ананавий хизмат турларидан бири сифатида қараладиган давлатларда (Италия, Франция), давлат органлари нафақат банк тизимини балки улардаги лизинг механизминини ҳам назорат қилишади.

Кўплаб бошқа давлатларда лизинг фаолиятини бошқариш бирмунча соддалаштирилган кўринишга эга. Хусусан Германия, Дания ва Нидерландия давлатларида лизинг фаолияти ортиқча чекловларсиз кечмоқда.

Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки лизинг фаолиятининг ривожланишига қонунчиликдан кўра кўпроқ давлатнинг макроиқтисодий муҳити кўп таъсир этади. Бу жараёнда давлатнинг инвестициялар оқимини кўллаб қувватлаши ва лизингга унинг муҳим кўриниши сифатида қараши асосий омил бўлиб хизмат қилади. Лизинг фаолияти учун энг мақбул шароитлар Германия, Буюк Британия, Ирландия, Норвегия ва АҚШ давлатларида яратилган. Масалан Ирландияда лизингни рағбатлантириш мақсадида лизинг ташкилотларига давлат субсидиялари, тезлаштирилган амортизациялардан фойдаланиш имкониятлари ва бошқа кўплаб

кулайликлар тақдим этилган. Шулар натижасида Ирландия бугунги кунда самолётлар лизингининг етакчисига айланган. Мамлакатда Халқаро молиявий хизматларни тақдим этиш маркази ва кўплаб бошқа йирик ташкилотлар жойлашган.

Яна бошқа бир давлатларда лизинг фаолиятининг ривожланишига кўплаб чекловларнинг мавжудлиги тўсик бўлмоқда. Масалан Грецияда кўчмас мулк, юк ташиш автомобиллари ва автобуслар лизингга тақиқланган. Давлат томонидан амортизация нормаларининг кучли назоратга олинганлиги кўшимча муоммо яратган.

Бухгалтерия ҳисобини стандартлаштириш халқаро комитети (JASC) томонидан лизинг ҳисоби юзасидан стандартлар ишлаб чиқилган. Бу стандартлар Греция, Буюк Британия, Бельгия, Нидерландия, Ирландия, АҚШ, Япония ва бошқа давлатлар томонидан қабул қилинган. Лизинг объектига эгалик қилиш ҳуқуқини белгилашда иқтисодий тамойилларни стандартлар асоси қилиб олишган. Лекин Шарқий Европанинг айрим мамлакатлари шунингдек Европа Иттифоқи камиссияси ва “Leaseurope” федерацияси эгалик ҳуқуқининг юридик принсларига таянишади. Иқтисодий тамойилларга кўра лизинг объекти лизинг олувчининг балансида акс этиши лозим бўлса, юридик принсларга кўра бу ҳуқуқ лизинг берувчида қолади. Айнан эгалик ҳуқуқида мавжуд бўлган фарқлар туфайли давлатлар ўртасида бухгалтерия ҳисобида, амортизациялар ва солиқларни ҳисоблаш тартибида фарқли томонлар кўзга ташланади.

Лойихаларни кўриб чиқишда мутахассислар маҳаллий хом-ашёни қайта ишлаш, уларни тайёр рақобатбардош маҳсулотга айлантириш, фаолияти импорт ўрнини босувчи ва экспортга йуналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришга йуналтирилган рентабелли юқори технологияли ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши, замонавий коммуникация тизимлари ва ишлаб чиқариш инфраструктурасининг ривожланиши, истеъмол бозорини бирламчи зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш билан боғлиқ лойихаларни афзал кўрадилар.

Давлатимизда қўлай лизинг муҳитини шакллантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш ва такомиллаштириш лозим:

- Лизинг ташкилотлари учун давлат субсидияларини қўпайтириш;
- Тезлаштирилган амартизацияларни кенг тақдим этиш механизмини яратиш;
- Солиқ имтиёзларини қўпайтириш орқали лизинг иштирокчиларини рағбатлантириш лозим.

Давлатимиз лизинг соҳасини халқаро лизинг амалиётининг ютуқларига таянган ҳолда шакллантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- Мамлакатимиз лизинг инфраструктурасига жорий қилиш мумкин бўлган яна бир халқаро амалиётда қўлланилувчи лизинг тури бу “лизинг линиялари” (lease-line) бўлиб бунда лизинг кўп жиҳатдан “кредит линиялари”га ўхшаш бўлади ва лизинг олувчига такрор лизинг олиш имкониятини ҳеч қандай қайта расмийлаштириш қийинчиликларсиз амалга ошириш имкониятларини беради. Бунинг учун лизинг ташкилотлари ва лизинг объектларини етказиб берувчи ўртасида яқин алоқалар ўрнатилиши талаб этилади.

- Халқаро амалиётда кенг қўлланилиб келинаётган “дабл дин” лизинг механизмидан, мамлакатимиз лизинг ташкилотларини халқаро лизинг бозорларига олиб чиқишда кенг қўллаш лозим. Бу борада “дабл дин” операциялари лизинг ташкилотларимизга янги лизинг бозорларига чиқиш, янги ҳамкорларни топиш, лизинг таркибини янада бойитиш имконини беради.

- Халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган лизингнинг яна бир ноёб тури бу “савдога кумак” (sales-aid) бўлиб Республикамизда автолизингни “sales-aid” лизингги асосида янги босқичга олиб чиқиш мумкин.

- Марказий Осиё ва унга қўшни давлатлар ҳудудларида лизинг операцияларининг тармоқ таркибини, давлатимиз автомобил саноатига таянган ҳолда шакллантириш ва олиб чиқиш лозим.

Юқорида келтирилган жаҳон амалиётининг бой тажрибасини мамлакатимиз лизинг бозорларини ривожлантиришда жорий қилиш олдимизда турган муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун халқаро амалиётларда кенг қўлланилаётган лизинг турлари хусусан “савдога кумак” (sales-aid) лизинг операцияларини мамлакатимизда амалга ашириш учун уларнинг қонуний асосларини белгилаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси “Лизинг тўғрисида”ги қонунида лизинг иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Хусусан 13-моддада сотувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатилган бўлиб шунга кўра сотувчи ўз мижозларига маҳсулотини лизингга бериши мумкинлиги ўз ифодасини топмаган. Сотувчи лизинг берувчи билан алоҳида тузилган шартнома асосида ўз мижозларига лизинг тақдим этиши ўз навбатида унинг савдо доирасини янада кенгайтишига сабаб бўлса, лизинг ташкилоти бу ҳолатда ишлаб чиқарувчининг савдо тармоқлари орқали лизингни йўлга қўйиш орқали ўз даромадини оширади. Бу амалиётни АҚШ, Германия ва Европанинг қатор мамлакатларида кенг учратиш мумкин. Фикримизча, лизинг тўғрисидаги қонуннинг 13-моддаси, иккинчи қисмини учинчи қисм деб белгилаш ва “Сотувчи лизинг берувчи билан алоҳида тузилган шартнома асосида лизинг тақдим этиши мумкин” деган жумлани икинчи қисм ўрнига қўйиши лозим.

Ўзбекистон лизинг секторини янада ривожлантириш, унинг халқаро майдонларга интеграциясини таъминлаш мақсадиди 2012 йил 4-8 апрель куни IV - Тошкент Халқаро Лизинг Форуми (ТХЛФ-2012) ўтказилди. У лизинг жамоатчилиги вакиллари мулоқоти учун интрактив майдон бўлиб хизмат қилди.

Мамлакат ишлаб чиқариш меҳнат ресурсларини асосий қисми қишлоқ хўжалик секторига тўғри келиши муносабати билан лизингни катта қисми қишлоқ хўжалик техникаси ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналарига тўғри келиши кузатилади. Республикамизда енгил ва озиқ-овқат саноати ускуналари лизингига

бўлган талаб ҳам юқори даражада. Савдо ускуналари лизинги ўзлаштирилмаган бўлиб, унинг келажаги жуда ҳам самарали бўлиши шубҳасиздир.

Эътиборни жалб қиладиган масалалардан яна бири шахсий автотранспорт, ўзоқ муддатли истеъмол буюмлари лизингини ривожлантириш масалаларидир.

Ҳозирги вақтда халқаро лизинг операцияларининг турлари бўйича тўловларнинг ҳамма унсурларини ҳисоб-китоб қилиш учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқилмаган. “Молиявий”, “тезкор”, “бўлинма лизинг”, “сублизинг”, “дабл дин” ва “савдога кумак” кабилар юзасидан тўзиладиган шартномаларнинг намуналарини яратиш ва такомиллаштириш лозим. Лизингнинг халқаро, экспорт ва импорт турларига битим-шартномалар тузиш шарт-шароитларини ишлаб чиқиш ғоят зарур бўлиб турибди. Лизинг компанияларига тўланадиган воситачилик йиғимлари, мукофотларни белгилаш учун йўриқномалар ишлаб чиқиш бозорнинг мазкур сегментидаги ҳал этилмаган муаммолардан ҳисобланади.

3.2 Ўзбекистон Республикасида лизинг муносабатларини такомиллаштириш ва ривожлантириш йўллари

Мамлакатимизда лизингни ривожлантириш фармонига асосан кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига кирувчи корхоналар ва тадбиркорлар доираси сезиларли равишда кенгайди. Диққат ва эътиборни жалб этадиган асосий масалалардан бири ушбу корхона ва тадбиркорларни янги замонавий технологиялар билан таъминлашда мумкин қадар улар учун қулай бўлган молиялаштириш усуллари қўллашдан иборат бўлди.

Шундай молиялаштириш усулларида бўлмиш молиявий лизинг банк кредити эвазига молиялаштириш усулига нисбатан қатор афзалликларга эгадир, кичик тадбиркорлик субъектлари тоифасига кирувчилар учун қулай ва очикдир.

Лизинг хизматларини махсус равишда ривожланишига 2002 йилда қабул қилинган ва Ўзбекистан конунчилигига киритилган тартибга солишлар асос солади. 2002 йил 28 августда “Лизинг фаолиятларини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3122 сонли Ўзбекистан Республикаси Президенти Фармони қабул қилинди. Унга кўра мамлакатимиз лизинг секторини ривожланишига тўсик бўлиб келган ва лизинг операцияларини солиққа тортишдаги муаммоларни бартараф этилиши бўлди. Фармонга биноан 2002 йилнинг 1 сентябрийдан бошлаб:

- лизинг тўловлари қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди;
- лизингга бериш учун Ўзбекистан республикаси ҳудудига олиб келинадиган технология ускуналари вакил банкнинг тегишли тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, божхона тўловидан ва қўшилган қиймат солиғидан озод этилди;
- лизинг оладиган хўжалик юритувчи субъектлар лизингга бериладиган мулкка солиқ тўлашдан лизинг шартномаси амал қиладиган муддатгача озод қилиндилар;
- лизинг берувчини солиққа тортиш чоғида, у лизингга бериш учун мулк харид қилишга олган кредитлар фоизи ҳамда белгиланган бошқа тўловларнинг суммаси унинг жами даромадидан чегириб ташланади.

Қабул қилинган фармон лизинг операцияларини солиққа солиш ва солиққа тортиш шартларини молиялаштиришни амалдаги бошқа усуллари бўйича солиққа тортиш шартларига мослаштиришга қаратилган эди.

Фармон қабул қилинишига қадар, солиққа тортиш мақсадларида лизинг операциялари капитал кўйилмаларни ўрта ва узок муддатли молиялаштириш усули сифатида эмас, балки оддий олди-сотди сифатида қаралар эди. Бундай ҳолат лизингни молиявий восита сифатида кенг тарқалишига тўсик бўлиб турар эди. Ўзбекистан Республикаси Президентининг 3122-сонли Фармони қабул қилиниши муносабати билан банк кредити эвазига молиялаштиришда ҳамда лизинг операцияларини

жорий этишда тенг солиқ шартларини шакллантиришга асос солди ва молиявий хизматлари бозорида қўшимча рақобат муҳитини яратишга олиб келди. Молиявий хизматлар бозорида рақобат муҳитини ривожланиши молиялаштириш қийматини пасайишига ва молиявий хизматлар доирасини кенгайтиришга олиб келади. Аниқроқ қилиб айтиладиган бўлсак кичик ва ўрта корхоналар ва тадбиркорлар ўз ишлаб чиқаришларини йўлга қўйишда ва янгилашда кенгрок доирадаги молиялаштириш усулларини қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Мазкур фармонни тайёрлашда Ўзбекистонда лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш ишчи гуруҳининг ишланмалари инобатга олинди. Республика ишчи гуруҳи “Инвестиция фаолиятини жадаллаштиришда лизинг ва халқаро лизинг имкониятлари ва истикболлари” мавзусида 2001 йил 13 мартда ўтказилган республика семинари натижалари бўйича ташкил этилган эди. Ишчи гуруҳ таркибида Ўзбекистондаги барча лизинг компаниялари, тижорат банклари, турли вазирлик ва идоралар, Ўзбекистан банклар уюшмаси, Ўзбекистан Республикаси Банк-Молия академияси вакиллари ҳамда Марказий Осиё лизингни ривожлантириш бўйича Халқаро молия корпорацияси лойихаси экспертлари томонидан иш олиб борилди бу ҳаракатларнинг барчаси мамлакатимизда лизингни ривожлантириш уни халқаро лизинг бозорларига олиб чиқишга қаратилган.

Лизинг қонунчилигини такомиллаштириш бўйича ўта муҳим қадам сифатида Ўзбекистан Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2002 йил 13 декабрда Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси, “Лизинг тўғрисида”ги ва “Божхона тарифлари” тўғрисидаги қонунларга киритилган 38 та ўзгартиришлар бўлди. Ушбу ўзгартиришларнинг киритилиши амалдаги қонунчиликда мавжуд бўлган қарама-қаршиликларни бартараф этиш имкониятини берди. Масалан, Фуқаролик кодексидан лизинг берувчи молиялаштиришни фақат маблағлари эвазига амалга ошириш мажбурияти меъёри чиқариб ташланди ва эндиликда лизинг берувчи лизинг

шартномалари бўйича нафақат ўз маблағлари эвазига, балки банк кредитлари ва бошқа жалб этилган маблағлар ҳисобидан ҳам лизинг операцияларни жорий этиш имкониятларига эга бўлди. “Лизинг тўғрисида”ги қонундан эса тезкор лизинг тушунчаси олиб ташланди ва қуйидаги асосий масалаларни мувофиқлаштиришга эришилди:

- Солиқ кодекси ва “Божхона тарифи тўғриси”даги қонунга 2002 йил 28 августда “Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистан Республикаси Президенти Фармонидаги ўзгартиришлар киритилди;

- Фуқаролик кодекси ва “Лизинг тўғрисида”ги қонунда лизинг берувчи, лизинг олувчи ва лизинг мулки сотувчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янада аниқроқ қилиб белгиланди. Бундан ташқари, улар ўрталаридаги мажбуриятларни ўзаро бўлишини лизинг операцияларининг амалга оширилишини мустаҳкам қонунчилик асосини вужудга келтирди.

Киритилган ўзгартиришлар банк кредити ва асосий воситаларга сафарбар этиладиган инвестицияларни бошқа лизингни ривожлантиришни мустаҳкам заминини яратиб берди. Бўлар асосида эса, айниқса кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун, лизинг қулай ҳамда нисбатан жалб этувчан молиявий восита сифатида хизмат қилиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилинди.

Ўзбекистонда лизинг бозорини янада таракқий этиши бир қатор омилларга боғлиқ, улар орасида қулай қонунчилик муҳитини ва лизинг компанияларига фойдали инвестициялар киритиш имкониятини алоҳида қайд этиш мумкин.

Чет ел инвестициялари хусусан халқаро лизинг фаолиятини рағбатлантиришнинг ҳозирги босқичида асосий капитални лизинг асосида сотиб олиш ва янгилаш йўли билан хусусий тадбиркорликни ривожлантириш зарур. Шу мақсадда халқаро лизингни ривожлантириш, алоҳида лизинг тармоғини шакллантириш учун қулай шароит яратиш лозим. Халқаро ва миллий лизинг компаниялари ва Ўзбекистоннинг барча

минтакаларида уларнинг филиалларини тузиш, уларни солиқ ва йиғимлардан озод қилиш, уларнинг мустақамланишига имкон бериш, шу йўл билан лизинг операцияларини кенгайтириш керак. Қишлоқ жойларда бу ишнинг йўлга қўйилиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга, янги иш жойларини ҳосил қилишга ёрдам беради.

Лизинг компанияларини таъсис этиш, уларни тузиш ва фаолиятини ташкил этиш бозор муносабатларига ўтиш босқичининг энг зарур вазифаларидан биридир. Юртимизда лизинг фаолиятини ривожлантириш учун унга бир маротабалик ва имтиёзли солиқ солинишига эришиш энг муҳим вазифадир. Лизинг операциялари нуктаи назаридан солиққа тортиш базасига аниқликлар киритиш лизингни кенг оммалаштириш арафасидаги бош муаммолардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда лизинг операцияларини бемалол ривожлантириш мақсадида бу ишни амалга оширишнинг рағбатлантирувчи меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш устида иш олиб борилмоқда. Ўзбекистонда лизингни ривожлантиришни қўллаб - қувватлаш фондини тузиш мақсадга мувофиқ. Хар бир иқтисодий фаолият сингари лизинг фаолиятининг мақсадлилиги ҳамда зарурлиги охиروқибатда уни амалга оширишнинг самарадорлиги каби жуда муҳим *категория* билан белгиланади. Шу билан бирга, иқтисодиётимизга киритилаётган чет эл инвестицияларини халқаро лизинг операциялари орқали амалга оширганда, ушбу жараённинг мақсадлилиги ва самарадорлигини оқилона баҳолаш лизинг бизнесининг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу нуктаи назардан, инвестициялашни баҳолаш асосларининг ўзи ҳам фавқулодда жуда муҳимдир. Бунинг учун эса аввало самарали халқаро лизинг механизмини танлаш, мавжуд бўлиши мумкин бўлган барча муқобил вариантларни аниқ белгилаб олишдан бошланишини унутмаслик керак. Жаҳон тажрибасидан шу нарса маълум бўлдики, капитал қўйилмаларнинг йўналишлари ва муқобил усулларининг йўқлиги, мавжуд бўлган ягона вариантни танлашга мажбур қилиб қўяди. Натижада унинг самарадорлиги коида бўйича ё

етарли бўлмайди, ёки жуда ҳам шубҳали бўлади. Ушбу билдирилган фикр хар қандай лизинг фаолиятига ҳам тегишлидир, чунки унда ҳам маълум даражада кўп вариантлик мавжуд (ёки бўлиши керак)дир. Биз бунини лизингга олувчи танланиши керак бўлган қуйидагича вариантларда ифодалашимиз мумкин:

- ўзини техник қуроллантириш варианты;
- қайта қуроллаштириш жараёнини амалга ошириш учун уни молиялаштириш варианты молиялаштириш манбаларини танлаш варианты;
- лизинг мулки учун ҳисоб-китоблар (тўловлар)ни амалга ошириш варианты;
- лизингга берувчида инвестициялаш объектини, мол етказиб берувчи ва лизинг олувчини, қарз мажбуриятини ҳамда лизинг тўловларини амалга ошириш муддатларини танлаш каби вариантлар бўлади.

Лизинг муносабатларини амалга оширганда вариантларни баҳолашни қўллаш учун юқорида келтирилган аспектлар шунинг кўрсатаяпдики узок муддатли лойиҳаларни (лизинг лойиҳалари айнан ана шулар сарасига киради) баҳолаш жуда ҳам қийин бўлади, ёки узок муддатга мўлжалланган истикболни башоратлаш бир мунча қийин, башоратларни амалга ошириш эҳтимоли эса кам бўлади. Зеро вақт давомийлиги қанчалик узок бўлса, иқтисодий башоратнинг эҳтимоллик даражаси шунчалик кичик бўлади. Нобель мукофотининг лауреанти. Ғарбдаги иқтисодий ўсиш назарияси асосчиси классик олим Й. Шумпетер “узок муддатли капитал қўйилмалар санъатини югурувчан мақсадга ўқ ўзиш санъати”га таққослаши бежиз эмас.

“Фаолиятнинг самарадорлиги” тушунчаси гарчи турлича баён қилинсада, у бир хил бўлган вазифа, яъни берилган фаолият тури (ёки қандайдир лойиҳа)га қилинган харажат ҳамда уни амалга ошириш натижасида эришилган натижа (самара, фойда)ни ўзаро таққослаш вазифасини бажаради. Бунда одатда исталган капитал лойиҳанинг

натижаси ва унга қилинган харажатлар бир талай бўлиб, уларни ҳисоблаш ҳар доим осон бўлмайди. Оқибатда халқаро лизинг лойиҳасининг самарадорлигини аниқлаш унинг барча босқичларида узоқ давом этувчи мураккаб жараёнга айланади. Ана шундай мураккаб таҳлил жараёни бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда инвестицион лойиҳалар (шу жумладан барча турдаги лизинг лойиҳалари)ни баҳолашнинг асосий концепцияси сифатида эътироф этила бошланди. Албатта, бундай ўта муҳим баҳолаш жараёни асосланган ва изчил бўлган услубият орқали амалга оширилиши керак.

Лизингнинг ривожланишига тааллуқли халқаро тажрибага таянган ҳолда, лизинг бизнеси билан боғлиқ бўлган бир қатор риск турларини айтиб ўтиш зарур.

Ўзбекистон республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонунида қуйидаги рисклар фарқланади:

- лизинг объектини тасодифан йўқотиш (халокат ёки тасодифий бузилиш) rischi;
- лизинг мулкнинг ўғирланиш rischi;
- муддатдан олдин яроқсиз ҳолга келиш rischi;
- лизинг мулкнинг шикастланиш rischi.

Қайд этилган рисклардан ташқари жаҳон амалиёти тасдиқлашича яна бир қатор рисклар билан ҳисоблашиш зарур. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Маркетинг rischi - асосан тезкор лизингга хос бўлиб, таклиф этилган лизинг мулкига лизинг берувчининг 100 фоизли талабининг бўлмаслиги rischi. Лизинг тўловида риск мукофотининг оширилиши; битим учун ускуна ва техниканинг энг оммабоп турларидан фойдаланиш; лизинг шартномаси тугагач бозор конъюктурасини ҳисобга олиб битим объектини сотиш маркетинг riskининг олдини олиш усуллари ҳисобланади. Нарх rischi - лизинг битими амал қиладиган муддат мобайнида лизинг битими объектининг нархи ўзгариши билан боғлиқ даромадни аниқ йўқотиш

риски. Бунда лизинг берувчи эски нархларда тўзилган лизинг битими объекти нархи ошган ҳолларда қўлга киритиши мумкин бўлган даромадни йўкотади. Эски нархлар бўйича лизингга олинган лизинг мулкнинг тушишидан лизинг олувчи зарар кўради. Бу рискни биргаликда минималлаштиришга лизингнинг бутун муддати мобайнига ҳар бир лизинг тўловининг миқдорини қайд этиш йўли билан эришилади.

Халокат ёки фойдаланиш мумкин бўлмай қолиш rischi - лизинг объекти билан боғлиқ бундай риск, одатда, лизинг битими объектини суғўрталаш йўли билан минималлаштирилади.

Туланмаслик rischi - лизинг тўловлари бўйича лизинг олувчи ўз зиммасидаги мажбуриятларини бажара олмаслиги эҳтимоли rischi. Бу рискни минималлаштиришга лизинг олувчининг молиявий аҳолини таҳлил қилиш; битта лизинг шартномаси қийматини лимитлаш; учинчи шахс кафолатини олиш ва туланмаслик рискини суғўрталаш йўли билан эришилади.

Валюта rischi - валюта лизинги битими тўзилишида юзага келади ва валюта кўрси тебраниб туриши натижасида лизинг берувчи йукотиши мумкинлигини билдиради. Бу риск ҳам фоиз rischi каби минималлаштирилади.

Сиёсий риск - мамлакатдаги сиёсий вазият ўзгариши, иш ташлашлар, давлат иқтисодий сиёсатининг ўзгариши ва бошқалар билан боғлиқ молиявий йукотишлар хавфидир.

Бу рискларни қуйидагилар асосида бошқариш мумкин: лизинг олувчи истикомат қиладиган мамлакатдаги сиёсий вазиятни ва солиқ конунчилигини мунтазам таҳлил қилиш; риск мукофотини тахмин этилаётган рисклар миқдorigа мутаносиб тарзда ошириш; инвестициялар кафолати бўйича ҳукуматлараро шартнома тўзиш.

Халқаро лизингни амалга ошириш жараёнини баҳолашнинг яна бир соддалаштирилган усули бўлиб қуйилмаларнинг копланиш муддатини аниклаш ҳисобланади.

Дисконтлаш - турли вақтдаги харажат ва натижаларни жорий вақтга келтиришдир. Шундай қилиб, дисконтлашда келгусида олинадиган хар бир пул маблағининг бугунги баҳоси ҳисобланади, ишлаб чиқариш воситасига халқаро лизингни жалб қилиш ёки киритишнинг самарадорлигини топиш учун ўзоқ муддатдаги харажатларни натижалар билан таққослашни такозо этади.

Хар қандай фаолиятнинг авзаллиги унинг самарадорлиги билан белгиланади. Мамлакатимизда иқтисодий самарадорликка эга бўлган лизинг тизими шақилланиб улгирган, эндиликда ининг халқаро даражага олиб чиқиш бугуннинг давр талаби бўлиб колмокда.

III боб бўйича хулоса

Лизинг муносабатларини янада ривожлантириш йўлида тадбиркорлар учун қўлай бўлган лизинг хизматларини яратиш ҳамда уларга шу йўл оркали янги замон талабларига жавоб берадиган техника ва технологияларни етказиб бериш лозим.

1. Хрзирги вақтда халқаро лизинг операцияларида “тўғридан-тўғри халқаро лизинг”, “транзит (билвосита) лизинг”, “қайта янгиладиган лизинг”, “сублизинг”, “дабл дин” ва “савдога кумак” (sales-aid) каби лизинг турлари кенг қўлланилмокда.

2. Мамлакатимизда ишлаб чиқариш меҳнат ресурсларини асосий қисми қишлоқ хўжалик секторига тўғри келиши муносабати билан лизингни катта қисми қишлоқ хўжалик техникаси ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналарига тўғри келмокда.

3. Бугинги кунда жаҳон амалиётида тобора кенг таркалиб бораётган “савдога кумак” (sales-aid) лизинг операцияларини мамлакатимиз лизинг тизимига кенг жорий қилиш лозим. Бунинг учун Ўзбекистан Республикаси “Лизинг тўғрисида”ги конуннинг 13-моддаси, иккинчи қисмини учинчи қисм деб белгилаш ва “Сотувчи лизинг берувчи билан алоҳида тўзилган шартнома асосида лизинг тақдим этиши мумкин” деган жумлани иккинчи

қисм сифатида қўшиш лозим. Фикримизча, юқоридаги келтирилган чоратadbирларни амалга ошириш мамлакатимизда халқаро лизинг операцияларини янги босқичга олиб чиқади. Миллий иқтисодиёт тарақиётига мос бўлган бой хориж тажрибасидан ўз ўрнида фойдаланиш мамлакатимиз олдида турган асосли вазифалардан бири ҳисобланади.

4. -Умуман олганда, ҳозирги кунда лизинг бозорларини ривожланиши, халқаро андозаларга мос равишда товар ва хизматлар таклифини кўпайтириш учун лизинг механизмини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунда Европа давлатлари ва Осиё мамлакатларига ҳам ривожлантириш ва ҳар бир мамлакат лизинг бозорларида ўзига хос муҳит пайдо бўлиши лозим. Бу эса ўз-ўзидан лизинг муносабатларига имтиёзларни яратилиши хорижий инвеститсияларни жалб қилишда эркин очиқ иқтисодиёт шароитида қулай муҳитини яратишда ўзига хос омил эканлигини билдиради.

Хулоса

Бугунги кунда инвестиция лойихаларини молиялаштиришнинг бир шакли сифатида мамлакатимизда лизингдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, лизинг механизми қишлоқ хўжалигини молиялаштириш асосий ўрин эгаллайди. Лизинг бунда молиявий инвестицияларни реал инвестицияларга айлантиришда, молиявий ва ишлаб чиқариш капиталининг ҳаракатланишида асосий механизмлардан бири ҳисобланади.

Лизингнинг замонавий мазмун-моҳиятини тўлароқ очиб беришга ҳаракат қилган ҳолда унинг қуйидаги мазмунга эга таърифи ишлаб чиқилди: лизинг мулкӣ-молиявий мазмун касб этиб, ижара, кредит ва инвестиция муносабатларини ўзида мужассам этувчи тадбиркорликни амалга ошириш ва ривожлантириш услуги ва уни ташкил этиш шаклидир. Лизинг муносабатлари эса ўзининг иқтисодий мазмунига кўра, қарз бериш ва қарз олиш асосида ижара муносабатларининг алоҳида шаклини ҳамда ўзаро боғлиқ иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларни акс эттиради.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигинини ривожлантиришда лизингнинг зарурлиги ва афзалликлари тадқиқотлар асосида ўрганилди ва назарий-амалий жиҳатдан таҳлил этилди. Ўзгарувчан ўтиш иқтисодиёти шароитида лизинг битимларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш: қайта молиялаш, солиқ ҳамда банк кредити фоииз ставкаларининг, ишлаб чиқариш ресурслари нархининг ўзгаришини эътиборга олишни тақозо этади.

Лизинг битимлари бўйича томонларнинг мумкин бўлган хатарларининг тўлиқ рўйхатини келтириш, солиққа тортиш базасидан ҳақиқий амортизация суммасини чиқариб ташлаш масалаларини қонун билан ҳал қилиш лозим. Лизингнинг ривожини қишлоқ хўжалиги тармоғида муҳим аҳамият касб этишини ҳамда қишлоқ хўжалик вакилларининг ҳам асосий қисми мазкур соҳасида фаолият юритишини инобатга олиб, бу тармоқда лизинг муносабатларини ривожлантириш мақсадида давлат

иштироки билан лизинг шартномаси шартларида лизинг шартномасининг муддати тугамагунича лизинг тўловлари миқдорини қайтадан кўриб чиқишга йўл қўймаслик ва қишлоқ хўжалиги техникалари таъмири бўйича янада кенгроқ имтиёзларни қонуний мустаҳкамлаш зарур.

Лизинг компанияларининг қишлоқ хўжалигига тақдим этиладиган лизинг объекти бўйича фоиз ва бошқа барча турдаги коммиссион тўловларнинг пасайтирилиши ўртасидаги тафовутни давлат томонидан субсидиялашни йўлга қўйиш;

Инвестициялар бир иқтисодиёт субъектлари капиталларини бошқасига боғлаб қўйиш бўлиб, бунга ўзига хос рисклари, ҳуқуқий шароитларининг, инвестиция муҳитининг ўзгариши хос бўлиб, натижада мамлакатлар ва минтақалар бўйлаб капитал кучиши юз беради. Шулардан келиб чиққан ҳолда, хўжалик алоқалари байналминаллашуви муҳотида лизинг янги кўринишларга эга бўлмоқда ва ундан фойдаланиш ҳажми ҳамда тармоқлари кўпайиб бормоқда. Бу эса ўз-ўзидан чет эл инвестицияларини самарадорлигини оширмоқда, мамлакатлар ўртасида капитал кучишида асосий омил бўлиб ҳисобланмоқда. Лизинг муносабатларида мамлакатда фаолият юритувчи миллий лизинг компанияларини иштирок этиши ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатишда ва мустаҳкамлашда асосий мезон ҳисобланади ва инвестицияларни юналтиришда янги имтиёзлар ва имконият доиралари кенгаяди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида лизингнинг ҳуқуқий асослари шаклланаётганлигини ишонч билан айтиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси лизинг шартномасининг мазмуни, лизинг субъектлари ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек лизинг муомалаларида иштирок этаётган субъектларнинг жавобгарлигини, лизинг объектларини, сублизинг, яъни ижарачининг лизингга олинган объектни лизинг шартномаси асосида бошқа ижарачи - лизинг олувчига беришини белгилаб беради.

Лизинг операцияларини амалга ошириш, албатта асосий боғловчи ҳужжат бўлиб, лизинг шартномаларини тузиш орқали амалга оширилади. Лизинг тўғрисидаги Конвенцияга асосан лизинг шартномасини батафсил кўриб чиқишдан олдин шуни таъкидлаш жоизки, лизинг битимида улар ўртасида лизинг шартномаси тузиладиган лизинг берувчи ва лизинг олувчидан ташқари, лизинг берувчи лизинг объектини харид қилиш тўғрисида олди-сотди шартномасини тузадиган сотувчи ҳам иштирок этади.

Юқорида қайд қилинган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда ҳам ташқи, ҳам ички лизинг хизматлари бозорини ривожлантиришда этарлича ишлар олиб борилган бўлсада, ҳозирда ҳам бир қанча муаммо ва камчиликлар мавжуд. Ушбу муаммолар ва камчиликларни эчими сифатида қуйидаги таклифларни бериш мақсадга мувофиқ.

1. Лизинг берувчи томонидан лизинг шартномаси маълум сабабларга кўра бекор қилинса, лизинг субъектини лизингга қайта бериш мумкин эмас, шунга асосан лизинг олувчи туловга қобилиятсиз бўлганда, лизинг қарздорлиги томонларнинг келишуви билан бошқа шахсга ўтиши рискни камайтириш олдини олади. Бунда «иккиламчи лизинг»ни шакллантириш ва татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2. Маълумки, лизинг тўхтовсиз ривожланаётган соҳа. Шунинг учун ривожланган давлатлардаги лизинг қонунчилиги масалаларини янада чуқурроқ ўрганиш ҳамда ижобий омилларни республикаимиз лизинг қонунчилигига киритиш мақсадга мувофиқдир.

3. Фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи лизинг объектлари билан таъминлаш.

4. Асосий восита ишлаб чиқарувчи корхоналарни лизинг орқали технология билан таъминлаш.

5. Республиканинг барча ҳудудларида лизинг амалиётини оммавий кенг қўллаш. Ҳозирда, қишлоқ жойларида уни қўллаш қишлоқ хўжалигини

янги техника-технология билан таъминлаш ва янги иш уринлари очилишига амалий ёрдам беради.

6. Тадбиркорлик субъектлари ва кичик корхоналар томонидан лизинг лойиҳаларини амалга оширишга ва ривожлантиришга моддий ёрдам ва молиявий кафолат бериш мақсадида Ўзбекистонда лизингни ривожлантиришни куллаб-қувватлаш Фондини тузиш мақсадга мувофиқдир.

7. Лизингни кенг ривожлантириш учун, лизинг бизнесининг инфратузилмасини такомиллаштириш, халқаро молия институтларини жалб қилиб рақобат мухитини яратиш зарур.

Юқорида кайт этиб ўтилган хулоса ва таклифларни амалиётда жорий этилиши, республика қишлоқ хўжалигида лизинг фаолиятини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалигига этказиб бериладиган техника ва технологиялар миқдорининг ошиши, меҳнат унумдорлиги даражасининг кўтарилиши ва маҳсулот этиштириш таннархининг камайиши, хосилдорликни ортиши ва пировард натижада мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади деб ишонч билдирамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2013.- 40 бет. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан)
2. Фуқаролик кодекси. Параграфи Т: ҳақида адабиёт 2002й.
3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси //Халқ сўзи, 2002 йил 9 январ, 6 сон.
4. Ўзбекистон Республикаси “Тадбиокорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб тамойиллари тўғрисида”ги қонуни, 2012 йил 20 декабр.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни. - Т.: Шарқ, 1995
6. «Лизинг тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, 1999 йил 14 апрел.

II. Расмий адабиётлар

7. Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги. Қонуни. - Т.: Шарқ, 1996.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»гиҚонуни, 2000 йил 26 май.
9. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Халқ сўзи, 2002 йил 9 январь, 6-сон.
- 10.Халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги УНИДРУА Конвенцияси, 1998 йил 28 май, Оттава шаҳри.
- 11.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳқилиш ва эркинлаштириш чора – тадбирлари тўғрисида» ги қарори 2005 йил 15 апрель, «Халқ сўзи» газетаси №27.
- 12.«Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2002, 8-сон, 131-132-бетлар.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 26.05.2000 йил 84-II-сонли «Ўзбекистон Республикасининг халқаро молиявий ижара(лизинг) тўғрисида»ги хусусий ҳуқуқни бирхиллаштириш бўйича БМТ халқаро институтининг (UNIDROIT) Конвенцияга қушилиши ҳақидаги қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.03.2001 йил 149-сонли «Ўзбек Лизинг интернейшнл АЖ» қўшма лизинг компаниясини фаолияти масалалари тўғрисидаги қарори.

15. «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хужалиғи техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари туплами, 2000, 11-сон, 2-7-бетлар.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.10.2003 йил 462-сонли «Капитал қурилишда ижара ва лизинг хизматлари тизимини жорий этиш тўғрисида»ги қарори.

17. Рекомендации по организации лизинговых операций/ Ассоциация банков Ўзбекистана; Универсальная лизинговая компания "Барака". -Т, 1998.

18. Анализ рынка лизинга в Центральной Азии: Проект по развитию лизинга в Центральной Азии. -Т: Международная финансовая корпорация, 2004-2007.

III. Президент асарлари

19. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Т.: Ўзбекистон, 2005.

20. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётининг янги босқичида. -Т.: Ўзбекистон, 2005.

21. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. -Т.: Ўзбекистон, 2003.

22.Каримов И.А. «Иқтисодий эркинлаштириш – фаровонлик пойдевори». Т.; «Ўзбекистон овози» газетаси 22-июль 2000 йил.

23.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси, № 29, 2007йил 13 февраль.

IV. Илмий монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар

24.Абашина А.М, Симонова М.Н.Аренда и лизинг: Бухгалтерский учет и налогообложение. -М: Филинь, 1998.

25.Банки и банковское дело: Банковская система. Лизинг и ипотека. Электронные платежи. Маркетинг в банках/ Ред. И.Т.Балабанов. -СПб: Питер, 2002.

26.Банки и банковские операции: Учебник для вузов/ Е.Ф.Жуков, Л.М.Максимова, О.М.Маркова и др; Под ред.Е.Ф.Жукова. -М: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1997.

27.Банковское дело: Учебное пособие. 2-е изд., перераб. и доп./ Ред. О.И.Лаврушин. -М: Финансы и статистика, 2010.

28.Банковское дело: Функции коммерческих банков. Международные расчеты. Кредиты и инвестиции/ Ред. Г.Н.Белоглазова; Ред. Л.П.Кроливецкая. -СПб: Питер, 2002.

29.Бирман Г. Экономический анализ инвестиционных проектов: Учебник/ Г.Бирман, Пер. с англ.; Под ред. Л.П.Белых. -М: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1997.

30.Бочаров В.В. Инвестиции: Инвестиционный портфель. Источники финансирования. Выбор стратегии/ В.В.Бочаров. -СПб: Питер, 2002.

31.Бродский М.Н. Право и экономика: Инвестиционное консультирование/ М.Н.Бродский. -СПб., 1999.

32.Васильев Н.М. Лизинг как механизм развития инвестиций и предпринимательства/ Н. М. Васильев, С.Н.Катырин, Л.Н.Лепе; Торгово-

промышленная палата РФ. -М.: ООО изд.-консалтинговая компания ДеКА, 1999.

33.Газибеков Д.Г. Лизинг и его развитие в Ўзбекистане/ Д.Г.Газибеков, О.Ш.Сабилов; Ассоциация банков Узбекистана; Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан. -Тошкент: Молия, 2001.

34.Газман В.Д. Лизинг: теория, практика, комментарии/ В.Д.Газман. -М.: Фонд "Правовая культура", 1997.

35.Газман В.Д. Рынок лизинговых услуг/ В.Д.Газман. -М.: Фонд "Правовая культура", 1999.

36.Гозибеков Д.Г. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари/ Ассоциация банков Ўзбекистана; Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан. -Тошкент: Молия, 2003.

37.Гозибеков Д.Г. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари/ Ассоциация банков Узбекистана; Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан. -Тошкент: Молия, 2003.

38.Горемыкин В.А. Лизинг: Практическое учебно-справочное пособие/ В.А.Горемыкин. -М.: ИНФРА-М, 1997.

39.Горемыкин В.А. Лизинг: Учебник/ В.А.Горемыкин. -М: Издательско-торговая корпорация "Дашков и К", 2003.Стр. 750-830

40.Кабатова Е.В. Лизинг: правовое регулирование, практика/ Е.В.Кабатова. -М.: ИНФРА-М, 1998.

41.Кикоть, И.И. Финансирование и кредитование инвестиций : Учебное пособие/ И.И. Кикоть. -Минск: Вышэйшая школа, 2003.

42.Крылов Э.И. Анализ эффективности инвестиционной и инновационной деятельности предприятия : изд.2-е, перераб. и допол. Учебное пособие / Э.И.Крылов, В.М.Власова, И.В.Журавкова. -М: Финансы и статистика, 2003.

43.Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти: Ўқув қўлланма/ Д.Г.Ғозибеков, О.Ш.Сабилов ва бошқ.; Ўзбекистон Банклари

Ассоциацияси; Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. -Т.: "Fan va texnologiya", 2004.

44.Лизинговые, факторинговые форфейтинговые операции банков /Ред.Грязнова А.Г. и др.. -М: Инжиниринго-консалтинговая компания "ДеКА", 1995

45.Лизинг операцияларини ташкил этишга доир тавсиялар/ Ўзбекистон Банклари Ассоциацияси. -Т: "Барака" универсал лизинг компанияси, 1998.

46.Лищенко М.И. «Основы лизинга» Москва: «Финансы и статистика», 2001.

47.Малявина А.В. Лизинг и антикризисное управление : учебное пособие/ А.В.Малявина, С.А.Попов, Н.Б.Пашина. -М: Экзамен, 2002.

48.Мавлянбердиева Х. Лизинг глазами аудитора/ Рынок ценных бумаг. -Т., 2002.

49.Матовников М.Ю. Лизинг: новый баланс возможностей и рисков/ М.Ю.Матовников // Банковское дело. -М, 2002. - № 5.

50.Прилуцкий Л.Н. Лизинг. Правовые основы лизинговой деятельности в Российской Федерации/ Л.Н.Прилуцкий. -М: "ОСЬ-89", 1996.

51.Руководство по кредитному менеджменту : 3-е издание Пер. с англ./ Ред. Б Эдвардса. -М.: ИНФРА-М, 1996.

52.Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. - М.; Финансы и статистика, 2000.

V.Статистик тўпламлар

53.Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари расмий йиллик ҳисоботлари.

54.Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг йиллик нашрлари.

55.Ўзбекистон Лизинг Ассоциациясининг йил якунлари бўйича йиллик ҳисобот маълумотлари.

VI. Мақолалар

56.Хатамов О. Лизинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг дисконт усули/ О.Хатамов // Бозор, пул ва кредит. -Т, 2011. - N 4. - С. 37-39

57.Формы организации лизинга сельскохозяйственной техники : (опыт компании "Узсельхозмашлизинг"/ Р.Уразметов // Бозор пул ва кредит. -Т., 2013. - N 3.

58.Лизинга оид янги Ўқув қўлланма/ Г.Исломова, О.Собиров // Бозор, пул ва кредит. -Т., 2004. - N 7-8. - С. 93

59.Развитие лизингового бизнеса/ Ш.Утамалиева // Бозор, пул ва кредит. -Т., 2003. - N 9. - С. 26-28

VII.Интернет материаллари

60.www.cbr.ru

61.www.bis.com

62.www.worldbank.org

63.uzb.nbu.com

64.www.bankofengland.co.uk

65.www.federalreserve.gov

66.www.consulting.azeri.com

67.www.ifc.org/centralasia

68.www.uzbekleasing.com